Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 284 (20. 252) • 1988 йил 10 декабрь • шанба

Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ
Нью-Йоркдан жўнаб кетди

НЬЮ-ЙОРК, 8 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Нью-Йоркда бўлиш программаси Арманистон ССРда зилзила юз берганлиги муносабати билан бўлинди, Куба ва Буюк Британияга визит қолдирилди.

Бугун М. С. Горбачев Нью-Йоркдан Москвага учиб кетди. У билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев жўнаб кетдилар.

М. С. Горбачев учиб кетишдан олдин аэропортда баёнот берди: Мен сафаримни тўхтатиб, Совет Иттифоқига қайтишга мажбурман. Кеча кечқурун Арманистонда юз берган зилзила ва унинг оқибатлари жуда оғир бўлгани ҳақида хабар қилишди. Кўп уйлар вайрон бўлган, қурбонлар жуда кўп. Шу сабабли мен дарҳол уйга қайтишим лозим. Ҳозирнинг ўзидаёқ кулфат юз берган районда Министрлар Совети Раиси раҳбарлигидаги комиссия иш олиб бормоқда. Оғир аҳволда қолган барча жабрдийдаларга ёрдам бериш учун шошилинч чоралар кўриш керак.

Бугун эрталаб телефон орқали президент Р. Рейган ва вице-президент Ж. Буш билан гаплашдим. Улар жабрдийдаларнинг ҳаммасига ўз номларидан, Америка халқи номидан чуқур таъзия, совет халқига ва ҳукуматига ҳамдардлик ва ёрдам бериш истаклари учун уларга ва барча америкаликларга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Шундай бўлдики, Нью-Йоркда бизнинг иш кунимиз фақат бир кун давом этди, лекин биз уни жуда муҳим кун деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги дунё, унинг истиқболлари тўғрисидаги ўз фикрларимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида баён қилиб бериш имкониятига эга бўлдик, биз бу ташкилотни жуда қадрлаймиз ва янги халқаро муносабатларни вужудга келтиришда унинг роли ортиб боришига умид қиламиз. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўпгина фойдали алоқаларни амалга ошира олдик ва кўпгина мамлакатлар вакиллари билан фикрлашиб олдик. Биз буни қадрлаймиз. БМТ минбаридан биз айтган фикрларни тушуниб кутиб олганликларини кўрдик.

Биз президент Рейган билан ва вице-президент Буш — Америка Қўшма Штатларининг бўлажак президенти ҳамда ҳозирги ва бўлғуси маъмуриятнинг аъзолари билан учрашдик. Бу учрашув жуда фойдали бўлди деган фикрга биз ҳам, Америка томони ҳам қўшилди. Учрашув Совет-Америка муносабатларининг юксак даражада эканлигини тасдиқлади, бу муносабатлар ҳозирги халқаро аҳволнинг туб масалаларини муҳокама қилиш, умуман халқаро муносабатларни яхшилаш йўлларини излаш имконини беради. Бу учрашув яхши муҳит, ошкоралик, ишонч, бир-биримизнинг позициямизни яхшироқ тушуниб олишга интилиш билан ажралиб турди. Шу сабабли кеча мендан ана шу учрашувнинг моҳиятини, унинг асосий мазмунини бир сўз билан таърифлаб бериш диган ёрдамни кўрсатиш истакларини изҳор қилдилар. Ҳамдардлик билдирганликлари ва шу қийин вазиятда ёрдам бериш истаклари учун уларга ва барча америкаликларга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Шундай бўлдики, Нью-Йоркда бизнинг иш кунимиз фақат бир кун давом этди, лекин биз уни жуда муҳим кун деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги дунё, унинг истиқболлари тўғрисидаги ўз фикрларимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида баён қилиб бериш имкониятига эга бўлдик, биз бу ташкилотни жуда қадрлаймиз ва янги халқаро муносабатларни вужудга келтиришда унинг роли ортиб боришига умид қиламиз. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўпгина фойдали алоқаларни амалга ошира олдик ва кўпгина мамлакатлар вакиллари билан фикрлашиб олдик. Биз буни қадрлаймиз. БМТ минбаридан биз айтган фикрларни тушуниб кутиб олганликларини кўрдик.

Биз президент Рейган билан ва вице-президент Буш — Америка Қўшма Штатларининг бўлажак президенти ҳамда ҳозирги ва бўлғуси маъмуриятнинг аъзолари билан учрашдик. Бу учрашув жуда фойдали бўлди деган фикрга биз ҳам, Америка томони ҳам қўшилди. Учрашув Совет-Америка муносабатларининг юксак даражада эканлигини тасдиқлади, бу муносабатлар ҳозирги халқаро аҳволнинг туб масалаларини муҳокама қилиш, умуман халқаро муносабатларни яхшилаш йўлларини излаш имконини беради. Бу учрашув яхши муҳит, ошкоралик, ишонч, бир-биримизнинг позициямизни яхшироқ тушуниб олишга интилиш билан ажралиб турди. Шу сабабли кеча мендан ана шу учрашувнинг моҳиятини, унинг асосий мазмунини бир сўз билан таърифлаб бериш ни сўраганларида мен: давомийлик, деган бир сўзни айтдим. Кечаги учрашувлар ва бугун телефон орқали бундан буёнги ҳамкорлигимиз муаммоларига тааллуқли суҳбат муносабатларимиз ҳамкорлик, манфаатларни ҳурмат қилиш базасида ва бошқа халқлар олдидаги масъулиятимизни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамланиб ва кенгайиб боришига Америка томонида ҳам, Совет томонида ҳам ишонч туғдиради, деб ўйлайман.

Нью-Йоркликларнинг бизга кўрсатган меҳмондўстликлари учун, шу кунларда дўстлик туйғуларини изҳор этганликлари учун уларга самимий миннатдорчилик сўзларимни айтмай кетиб қолсам, мен ўзимни яхши ҳис қилмаган бўлардим. Нью-Йоркликларнинг меҳмондўстлиги қалбимизда чуқур из қолдирди. Бундай кутиб олганликлари учун барча Нью-Йоркликларга самимий миннатдорчилик изҳор этамиз. Америка диёрида бўлган кунимиздаги энг муҳим воқеалардан бири балки айни мана шунинг ўзидир. Биз совет халқининг ҳам, америкаликларнинг ҳам бир-бирларига ўзаро ҳурмати, хайрихоҳлиги, ҳамкорлик қилиш истаги ортиб бораётганлигини кўриб турибмиз.

Олдинда қийин йўл турибди, аммо биз ҳозирги вақтда эришган жиҳатларни ривожлантириб ва мустаҳкамлаб, ана шу йўлдан олга боришга ишонч туйғуси билан жўнаб кетмоқдамиз. Сўнгги вақтлардагидек ҳаракат қилаверсак, балки бу ҳаракатларни яна бироз кучайтирсак, назаримда муносабатларимизда яхши истиқболларга умид қилишимиз мумкин. Бу эса халқларимиз учун ҳам, бутун дунё учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Хайр. Эътиборингиз учун раҳмат.

М. С. ГОРБАЧЕВ Москвага келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев ўзининг чет эл сафарини тўхтатиб, 9 декабрь куни Нью-Йоркдан Москвага қайтиб келди. М. С. Горбачевнинг сафарида ҳамроҳ бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев ҳам у билан бирга келдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. М. Чебриков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

АГРОСАНОАТ: ТАҲЛИЛ ВА САБОҚЛАР ДАЪВАТИ

ХЎЖАЛИКНИНГ ҲАҚИҚИЙ АСОСИ — ОЗИҚ-ОВҚАТ ФОНДИДИР... ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИДА БУНДАЙ ФОНД БЎЛМАСА, БУ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ҲЕЧ НАРСАГА АРЗИМАЙДИ. БУНДАЙ ФОНД БЎЛМАСА, СОЦИАЛИСТИК СИЁСАТ ФАҚАТ ОРЗУ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

В. И. ЛЕНИН.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтган йил ҳам охирламоқда. Яқиндагина бўлиб ўтган ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўқкизинчи сессияси жорий йилимизнинг дастлабки якунларини кўриб чиқиб, келгуси йил вазифаларини муҳокама қилди. Республикамиз агросаноат комплекси тармоқларидан келган ҳукумат аъзолари — депутатлар халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари вакиллари қатори бу йилги ва бугунги ишларимиз аҳволини синчиклаб таҳлил этдилар. Йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини очиб ташладилар ҳамда шу асосда беш йилликнинг тўртинчи йили марраларини белгиладилар.

Сессияда таъкидлаб ўтилганидек, қайта қуриш руҳи бутун мамлакатимиздаги сингари республикамизда ҳам яққол сезилиб турибди. Йил сарҳисоблари халқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги одимларимиз дадилашиб бораётганлигидан, эркин, ижодий меҳнат кишилари фаолиятида жўшқинлик тобора ўсаётганлигидан дарак бермоқда. Республика давлат статистика комитетидан олинган маълумотларга эътибор қилинг: пахта 5 миллион 300 минг тоннадан ошди. Тола олиш миқдори 1 миллион 750 минг тоннадан зиёдроқ бўлиши кутилмоқда. Қайта ишлаш корхоналарига 34 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли пилла етказиб берилди. Ватан қабул пунктларига 1 миллион тоннадан зиёд дон (бунинг 480 минг тоннаси шоли, 161 минг тоннаси маккажўхори) топширилди.

Рақамлардан кўриниб турибдики, республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси йўл-йўриқларига оғишмай амал қилиб бориб, тармоқда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан бирга, фойда олиш топшириқларини ҳам муваффақиятли бажармоқдалар. Бу билан мамлакатимизда туб иқтисодий масала — Озиқ-овқат программасининг реал ижросига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Аммо тан олиш керакки, ҳали булар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий бурилишга эришганлигимизга асос бўлолмайди. Бир қанча йилдирки, гўшт ва сут истеъмолида иттифоқдош республикалар даражасидан орқада қоляпмиз. Мева, сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштиришда мамлакатдаги ўртача даражага ҳам чиқолмаяпмиз. Суғориладиган ерлар самарадорлиги паст, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг бригада, коллектив, оила, звено, ижара пудратн сингари илғор усулларини жорий этишга жойларда ҳануз расмиятчилик билан қаралмоқда. Айниқса, чорвачиликда зооветеринария хизматини яхшилаш, наслчилик ишларини йўлга қўйиш, моллар туёғини сақлаб қолиш ва маҳсулдорликни ошириш ўрнига тармоқ планларини қандай бўлмасин камайтиришга бўлган уринишлар кишини ташвишга солмоқда. Чунончи, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Тошкент, Андижон, Бухоро, Сирдарё областларида ўтган давр ичида анча-мунча миқдорда жамоат чорваси нобуд бўлишига йўл қўйилдики, бу республикада гўшт етиштириш ва тайёрлаш планларининг бажарилишини мушкуллаштирди. Вазият — партия, совет органлари, хўжаликлар ва ташкилотлар, энг аввало, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ҳамда унинг бирлашмалари раҳбарларидан мавжуд аҳволни тезда ўнглаб олиш чораларини кўриш лозимлигини тақозо қилади.

Агросаноат комплексини тобора ривожлантириш мамлакат Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш — давр талаби. Шу боисдан ҳам у бугун партиямизнинг диққат марказида турибди. Сўнгги пайтларда деҳқончилик ва чорвачиликдаги ишлар аҳволини кескин яхшилашга қаратилган қатор муҳим кенгашлар, учрашувлар, қабул қилинаётган ҳужжатлар бунинг ёркин далилидир. Мамлакатимизнинг ижарачи-пудратчи коллективлари билан партия Марказий Комитетида ўтказилган учрашув, Орёл областида бўлган кенгаш ва КПСС Марказий Комитетининг мамлакат агросаноат комплексидаги коммунистларга, фермаларнинг меҳнаткашларига барча ходимларга Хати совет кишиларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, сифатини яхшилашга, айни пайтда келгуси йил мўл ҳосилига пухта тайёргарлик кўришга, чорва қишловини намунали ўтказишга қайта-қайта даъват этмоқда.

Ана шу даъватдан келиб чиққан республикамиз агросаноат комплексининг илғор коллективлари келгуси — 1989 йилдан бошлаб барча тармоқларда тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашга ва бу йилгидан ҳам яхшироқ натижаларга эришишга бел боғлашди. Пировард мақсад — озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини ўтган йилдагидан ҳийла кўпайтиришдан иборатдир.

Аммо яхши ниятларни беками кўст бажариш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Чунки, ҳар бир тармоқнинг, ҳар бир агросаноат корхонасининг ўз вазифалари, ўз хусусиятлари бор. Ана шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, барча тармоқлар ва қайта ишлаш корхоналарининг ишларига сингиб кетиши лозим бўлган битта умумий вазифа мавжуд: у — қайта қуриш даври одимларига тезроқ мослашиб, ресурслардан самаралироқ фойдаланишдан, меҳнатимиз сифатини янада оширишдан, натижалироқ ишлашдан иборат. Партия ташкилотлари ҳар бир деҳқон ва чорвадорда, боғбон ва соҳибкорда ҳисоб-китобли хўжайин бўлиш, тартиб интизомни мустаҳкамлаш, ижодий изланиб ишлаш туйғуларини муттасил ривожлантириб боришга даъват этилганлар.

Дала меҳнаткашларининг иш ва турмуш шароитига ғамхўрлик катта аҳамиятга эга. Қаердаки, кузги-қишки ишлар юзасидан белгиланган тадбирлар қоғоздагина қолиб, амалда бажарилмас экан, у ерда келгуси йил мўл ҳосили ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қаердаки, озуқа цехлари вақтида ремонт қилинмай, чўпонлар ва соғувчиларни иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминлаш ҳақида ўйлаб кўрилмас экан, кўзланган натижаларга эришмаслиги муқаррар. Қаердаки, кундалик эҳтиёж моллари савдоси, маданий-маиший, медицина хизматлари ташкил этилмас экан, ўша ерда маҳсулот етиштириш миқдори камайиб, план ва топшириқлар ижроси ўлда-жўлда қолиши, пировардида хўжалик иқтисоди ишдан чиқиб, меҳнаткаш халқ зарар кўриши турган гап. Ҳолбуки барча турдаги хом ашё ва ноз-неъмат ижодкорларига бўлган ғамхўрлик, инсон омилини фаоллаштириш — бундай ҳолларга барҳам бериш бешак.

Озиқ-овқат ва социал тараққиёт муаммоларини қайта ишлаш корхоналари иш унуми ҳамда сифатини ошириш ҳисобига ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ҳали тармоқларда истеъмолчиларгача бўлган йўлда кўплаб исрофгарчилик ҳоллари рўй бермоқда. Қайта ишловчилар хўжаликлар билан яқин алоқа ўрнатишга ҳануз истар-истамас киришяптилар. Жойларда мева, сабзавот, гўшт, сут қабул қилиш жараёнларида сусткашликка йўл қўйиляпти. Бу масалалар агросаноат комитетлари ва бирлашмалари диққат марказида бўлмоғи керак.

Республика қишлоқ партия ташкилотлари беш йилликнинг тўртинчи йилида жуда катта ва мураккаб ишлар бўсағасида турибди. Уларнинг бутун ташкилотчилик ва ғоявий ишлари ҳар бир коллектив планлари муваффақиятли бажарилишига, моддий ресурсларни тежашга ва иқтисод қилишга, етиштирилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга ва ниҳоят — социалистик мусобақани авж олдиришга қаратилмоғи шарт.

Партиямиз аграр сиёсатининг ҳозирги йўналиши талаблари ва охирлаб бораётган йилимиз якунларининг дастлабки таҳлил ҳамда сабоқларидан чиқарган ҳулосалар ана шулардан иборат!



Бувайда районидаги «Партия XX съезди» колхози механизаторлари техника ремонтини қизғин давом эттиришаётир. Суратда: (чапдан) колхоз халқ контроли комитети аъзоси Н. Ризаев, слесарь Р. Илямннов ва устахона мудири Б. Турсуновлар ремонт сифатини кўздан кечиришмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотоси.

Кундалик маълумотлар изидан

Ҳосил пойдевори мустаҳкамми?

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ ХАБАР БЕРАДИ:

8 декабрга қадар шудгорланиши лозим бўлган 2,511 минг гектар ернинг 2304,8 минг гектари ҳайдаб қўйилди. Бу — планнинг 91,8 процентига тенг. Шу муддатгача пландаги 1100 минг гектар ернинг 882,7 минг гектарига минерал, 531,2 минг гектар ернинг 263,6 минг гектарига органик ўғит солинди.

Республикамиз дала меҳнатчилари бу йилги қулай келган об-ҳаво имкониятларидан оқилона фойдаланиб, мўл ҳосил етиштирдилар ва уни ўз вақтида йиғиб-териб олишга муваффақ бўлдилар. Давлат ўзбекистонлик пахтакорлардан пландаги 5 миллион 250 минг тонна ўрнига 5 миллион 350 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» қабул қилиб олди. Ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада юксак довонларни қўзлаб иш тутиш — миришкор деҳқонларнинг шу кунлардаги биринчи даражали юмушидир.

Пахтакорлар бу йил ҳосили териб олинган пайкалларга минерал ва органик ўғит ташиб чиқариш, ерларни шудгорлаш ишларини ҳар қачонгидан барвақт бошлаб юборишди. Тошкент областида шудгорланиши лозим бўлган ерларни ҳайдаш тугалланди. Фарғона, Қашқадарё областлари механизаторлари ҳам муҳим ишни якунладилар.

Аммо ҳамма ерда ҳам қулай имкониятдан кўнгилдагидек фойдаланишпти, деб бўлмайди. Янгича ишлаш шарофати туфайли бериб қўйилган мустақилликдан дадил фойдаланиш ўрнига баъзи колхоз ва совхозларда юқори ташкилотларнинг кўрсатмасини кутишдан ҳануз воз кечилган эмас. Айрим ерларда эришилган муваффақият хотиржамликни келтириб чиқарди.

Қорақалпоғистон автоном республикасида 200 минг гектар ерни шудгорлаш топшириғи белгиланган. 8 декабрга қадар бу тадбир 164,3 минг гектар ерда бажарилди. Андижон областида ҳам шудгорлаш анча орқада. Бу ерда 202 минг гектар ернинг тўртдан бир қисми ҳали ҳайдалмаган. Вазият — Сурхондарё, Хоразм областларида ҳам шудгорлаш ишлари суръатини оширишни талаб қилаётир.

Илм-фан тавсиялари ва тажрибаларнинг кўрсатишича экин майдонларига шудгорлашдан олдин органик ва минерал ўғит солинса, тупроқ унумдорлиги кескин ортади. Унинг структураси яхшиланади. Тошкент области деҳқонлари минерал ўғит солиш планини ортиғи билан адо этдилар. Бироқ органик ўғит чиқаришда сусткашликка йўл қўйишяпти. Область колхоз ва совхозларида 70 минг гектар ерга шундай ўғит сепилиши планлаштирилган ҳолда атиги 17,7 минг гектар ер ўғитланиб, план 25,3 процент бажарилди. Бу борада Фарғона областида айниқса, ташвишли аҳвол вужудга келган. Бу ерда мўлжалдаги 80 минг гектар ернинг атиги 18,7 минг гектарига маҳаллий ўғит чиқарилгани фикримизнинг далилидир.

Қорақалпоғистон автоном республикасида эса аҳвол тоғ ташвишли. Хўжаликларда 12,2 минг гектар ерни органик ўғитлар билан ўғитлаш белгиланган. Аслида 9 декабргача 1,9 минг гектар ерга шундай ўғит чиқарилди. Бухоро областида ерларга минерал ўғит солиш ҳам, органик ўғит солиш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Кўриниб турибдики, бу йил табиат келгуси йил ҳосилига тайёргарлик билан боғлиқ барча ишларни комплекс тарзда, тез ва соз адо этиш учун шароит яратиб берган бўлса-да, қулай фурсатдан оқилона фойдаланилмаяпти. Ҳозир йўл қўйилган кичкинагина нуқсон кейинчалик катта оворагарчиликка олиб келади. Шунинг учун ҳаво очиқ кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланган ҳолда, шудгорлаш ишларини қучайтириш билан бирга тупроқ унумдорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

ҚАЙТА ҚУРИШ БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Ўзбекистонда область ҳисобот-сайлов партия конференциялари бошланди. Делегатлар КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини амалга ошириш, ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунистнинг қайта қуриш жараёнидаги ва жамиятни янада демократиялашдаги роли тўғрисида манфаатдорлик билан сўз юритмоқдалар. Улар социал-иқтисодий тараққиёт муаммоларини ўртага қўйиб, хўжалик механизмини такомиллаштириш, бригада ва ижара пудратини жорий этиш, ҳаётий социал масалаларни ҳал қилиш хусусида конкрет таклифлар айтмоқдалар. Ташкилий-партиявий ишларни, кадрлар билан ишлаш ва идеология ишини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси қарорлари, мазкур сессияда қабул қилинган СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун ва СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун кенг муҳокама қилинмоқда.

9 декабрь куни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона областлари ҳисобот-сайлов партия конференциялари иш бошлади.

Конференциялар ишида: Тошкентда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Нукусда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Бухорода — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков, Термизда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев, Қаршида — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок, Фарғонада — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин иштирок этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

КОМИССИЯ ИШГА КИРИШДИ

Илгари хабар берилганидек, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссияси Арманистон ССРга келди. 7 декабрь куни Арманистоннинг бир қанча шимолий районларида кучли зилзила оқибатида иморатлар бузилди ва одамлар қурбон бўлди, комиссиянинг вазифаси ана шу зилзила оқибатларини тугатиш мақсадидаги ишларни умумиттифоқ миқёсида мувофиқлаштириб туришдан иборат.

8 декабрь куни эрталаб комиссия аъзолари Арманистон Компартияси Марказий Комитетида республика раҳбарлари билан учрашдилар. Кенгашда айрим иттифоқ министрликлари ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Кенгашда офат районларига ёрдам бериш учун бир қанча йирик ва шошилинч тадбирлар кўрилди, комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Қўшимча тарзда ҳарбий қисмлар, жумладан инженерлик бўлинмаларини жалб этиш, бу ерга қудратли замонавий техника, автокранлар, кўпроқ юк ортиладиган вертолётларни юбориш, бошпанасиз қолган одамларни муваққат уй-жой билан таъминлаш, уларга мамлакатнинг дам олиш уйлари ва бошқа шифохоналаридан анчагина ўрин ажратиш, иссиқ кийим бериш, армия қисмларининг кўмаги билан улар учун мунтазам иссиқ овқат тайёрлашга қарор қилинди. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатнинг турли шаҳарларидан бу ерга юзлаб врачлар ва бошқа медицина ходимлари келишди. Республикага қурилиш материаллари ва йиғма-считли уйлар етказиб беришни жадаллаштириш тўғрисида топшириқлар берилди. Арманистон бошига тушган кулфат — совет халқлари бутун оиласи бошига тушган кулфатдир. Мамлакатнинг барча ўлкаларидан ана шу серташвиш кунларда бетўхтов келиб турган мактублар, телеграммалар ва таъзияномалар ҳам шундан дарак беради. Умумий куч-ғайрат, ўзаро ёрдам ва меҳр-оқибат билангина кулфатни бартараф этиш мумкин. Бошқа республикалар Арманистоннинг жабр кўрган районларига ёрдам бериш тўғрисида кўп таклифлар айтаётганликларини ҳисобга олиб, 9 декабрь куни Ереванда иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари раисларининг қурилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари кенгашини ўтказиш мўлжалланмоқда. Ушбу кенгашда барча республикаларнинг зилзила оқибатларини тугатишдаги конкрет иштироки программаси белгилаб олинади.

Кенгаш тугаши биланоқ комиссия аъзолари дарҳол қаттиқ зилзила рўй берган районларга жўнаб кетдилар. Улар Ленинакан, Спитак, Кировакан шаҳарларида бўлишиб, ишнинг аҳволи билан, зилзила етказган зиён билан батафсил танишдилар. Ана шу шаҳарларнинг аҳолиси билан кўпгина учрашувлар бўлди. Одамлар кулфат ҳақида гапирдилар, оператив ёрдам учун, инсонпарварлик учун, М. С. Горбачевнинг Арманистон гражданларига мурожаатномасида изҳор этилган чуқур ҳамдардлик ва мадад сўзлари учун миннатдорчилик билдирдилар. Айни вақтда улар шаҳар ва посёлкалардаги қутқариш ишлари, уюмларни йиғиштириб олиш қозирча вазият талаб этаётганидек миқёс касб этмагани хусусида катта ташвиш билан гапирдилар. Н. И. Рижков меҳнаткашларнинг саволларига жавоб қайтариб, офат рўй берган районларда вайронагарчилик миқёси катталигини таъкидлади ва ҳозирги энг асосий вазифа ҳар бир участкада техника, айниқса автокранлар, металл қирқиш аппаратлари, транспорт воситалари, жумладан вертолётлар етарли бўлишига эришишдир, деб уқтирди. У, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссияси ана шу вазифа яқин орада бажарилиши учун, одамлар бошига тушган кулфатни енгиллаштириш учун имкони бўлган барча ишларни қилади, деди. Меҳнаткашлар билан бўлган суҳбатларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Н. Н. Слюньков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Д. Т. Язов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ю. П. Баталин, Л. А. Воронин, Б. Е. Шчербина иштирок этдилар. Комиссия аъзоларининг республика районлари бўйлаб қилган сафарида, уларга Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян ҳамроҳ бўлди.

Комиссия жойлардаги реал вазиятни ҳисобга олиб, қутқариш ва тиклаш ишларининг бутун комплексини жадаллаштириш мақсадида бир қанча қўшимча тадбирларни белгилади.

(ТАСС).

ШТАБ ТУЗИЛДИ

Арманистон ССРдаги зилзила оқибатларини тугатишда ёрдам беришга доир барча масалаларни оператив ҳал этиш учун республика комиссияси қошида махсус штаб тузилди. Штаб Тошкент шаҳар Парадлар хиёбони, 5-уйда жойлашган, телефонлар 39-81-76, 39-84-52, 39-82-88.

Штаб кечаю кундуз ишламоқда.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетига Арманистон ССР Олий Совети Президиумига Арманистон ССР Министрлар Советига

Ҳурматли ўртоқлар!

Оғир табиий офат — зилзила оқибатида кўпдан-кўп одамлар нобуд бўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

Қутурган ер ости кучлари қанчалик кулфат солишини биз ўтмишимиздан биламиз.

Ана шу машаққатли синов кунларида Ўзбекистон меҳнаткашлари зилзиланинг фожиали оқибатларини тугатиш ишида зарур қардошлик ёрдамини беришга тайёрдирлар.

Ер-биродарларидан жудо бўлган оилаларга яна бир карра самимий ҳамдардлик ва таъзия изҳор этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ	ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ	ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қардош арман халқига зилзила оқибатларини тугатишда амалий ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госстройи раиси К. Ҳ. Маҳамадалиев раҳбарлигида ҳукумат комиссияси туздилар.

Комиссияга Арманистон ССРга янги уй-жой ва социал соҳа объектлари қуришда конкрет ёрдам бериш, табиий офатдан зарар кўрган районларга дори-дармон, касби қурувчилик бўлган мутахассислар ва ишчилар, зарур қурилиш материаллари жўнатиш, шунингдек, Арманистондан келган болаларни республикада қабул қилиб олиш ва жойлаштириш юзасидан тез орада таклифлар тайёрлаш ва тақдим этиш топширилди.

* * *

Арманистондаги зилзила оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон ССР бажарадиган иш ҳажмларини келишиб олиш мақсадида республика ҳукумат комиссиясининг раиси К. Ҳ. Маҳамадалиев Ереванга жўнаб кетди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясини тузди. Сайлов комиссиясининг составы қуйидагича:

Бризга Лидия Дмитриевна — Брест область Брест районидаги «Память Ильича» колхоз-комбинатининг машинада сут соғиш оператори, Белоруссия ССР.

Гейба Янис Алоизович — Латвия Компартияси Даугавпилс район комитетининг биринчи секретари.

Затворницкий Владимир Андреевич — 1-«Мосстрой» трести комплекс бригадасининг бригадири, Москва шаҳри.

Иванова Татьяна Георгиевна — РСФСР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари.

Коптюг Валентин Афанасьевич — СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси.

Лаптев Павел Павлович — КПСС Марказий Комитети Умумий бўлими мудирининг биринчи ўринбосари.

Лобов Юрий Иванович — Д. Ф. Устинов номли «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари, Удмуртия АССР.

Мақсудов Пўлатжон Соаталиевич — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг директори, Чирчиқ шаҳри.

Метонидзе Гурами Арчилович — В. И. Ленин номли Тбилиси электровозсозлик заводи электр монтажчилари бригадири, Грузия ССР.

Раҳмадиев Еркегали — композитор, Қозоғистон ССР Композиторлар союзининг биринчи секретари, СССР халқ артисти.

Фатеев Анатолий Михайлович — КПСС Ленинград область комитетининг иккинчи секретари.

Шемшученко Юрий Сергеевич — Украина ССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг директори, УССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор.

Шитов Александр Иванович — СССР халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари.

Умумий бўлимнинг мудирининг биринчи ўринбосари, П. П. Лаптев — комиссия секретари қилиб сайланди. Сайлов комиссияси қуйидаги адресда жойлашган: Москва, Владимиров проезди, 2-уй, 16 подъезд.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида В. А. Коптюг комиссия раиси, Т. Г. Иванова — раис ўринбосари, П. П. Лаптев — комиссия секретари қилиб сайланди. Сайлов комиссияси қуйидаги адресда жойлашган: Москва, Владимиров проезди, 2-уй, 16 подъезд.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДАН

КПССдан халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссияси «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ, КПССдан 100 нафар СССР халқ депутати сайланишини маълум қилади. КПССнинг ҳар бир аъзоси халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилиши мумкин, КПССдан халқ депутатлигига номзод айни бир вақтда территориал ёки миллий-территориал сайлов округларида ёхуд бошқа жамоат ташкилотларидан овозга қўйилмайди.

Сайлов комиссияси сайловни демократик принциплар асосида ўтказишни таъминлаш мақсадида партия ташкилотларидан, КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан депутатликка номзодлар юзасидан таклифлар киритишни сўрайди. Жойларда ишлаётган коммунистлар хусусидаги таклифлар бошланғич партия ташкилотларида, сўнгра эса ана шу ташкилотларнинг вакиллари иштирокида шаҳар, район партия комитетларида кўриб чиқилиши керак. Мазкур таклифлар асосида область, ўлка партия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ўзлари ўрнатадиган тартибда СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш учун таклиф этилган номзодларни КПСС Марказий Комитетига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Бошқа республикалар, ўлкалар ва областлар территорияларида ишлаётган ёки яшаётган таниқли сиёсат, давлат ва жамоат арбоблари, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, фан ва маданиятнинг атоқли вакиллари номзодларига оид таклифлар бевосита КПСС Марказий Комитетига юборилади.

Таклифларни умумлаштириш чоғида энг аввало партия ташкилотларида ва коммунистлар орасида кенг муҳокама қиллаб-қувватланган номзодлар эътиборга олинади. Бунда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, қайта қуришнинг ҳақиқатан ҳам фаол иштирокчилари, мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органида ишлаш учун зарур бўлган барча фазилатларга эга бўлган коммунистлар СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишидан партия манфаатдордир.

Таклифларни тақдим этиш муддати — 1989 йил 1 январгача.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссияси.

• Ягона сиёсий кун

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун мамлакат билан биргаликда КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси материалларини кенг муҳокама қилмоқдалар. Сессияда қабул қилинган СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунлар — жамиятимиз сиёсий системасини такомиллаштиришда, қайта қуришни янада ривожлантиришда муҳим қадамдир.

9 декабрь куни республикада бўлиб ўтган Ягона сиёсий кунда ана шу мавзу марказий мавзу бўлди. Ягона сиёсий кун область, шаҳар ва район партия комитетларининг планлари асосида ўтказилди. Бу планлар тузилаётганида конкрет партия ташкилоти, меҳнат коллективи олдида ниҳоятда ўткир бўлиб турган масалалар киритилди. Докладчилар жамият олдида турган социал-иқтисодий муаммоларни биргаликда куч-ғайрат сарфлаб ҳал этиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Қайта қуриш руҳида меҳнаткашлар ташаббусига кенг йўл очиб бериш, янгиланиш жараёнини жадаллаштириб, хўжалик механизмини ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим.

Шу муносабат билан миллатлараро муносабатлар масаласи муҳим бўлиб турибди, ушбу муносабатлар бутун мамлакат манфаатларини ҳисобга олиш ва айни вақтда ҳар бир миллат ва элатга ўз анъаналари, тили ва маданиятини эркин ривожлантиришга имкон бериши керак.

Мамлакатда СССР халқ депутатлари сайловига тайёргарлик бошланди. Бу сайлов янги ҳуқуқий негизда ўтказилади, сиёсий системамиз ислоҳотини амалга оширишнинг дастлабки амалий қадамларидан бири бўлади. Территориал ва миллий-территориал сайлов округлари тузилди. Эндиликда СССР халқ депутатлигига энг муносиб, давлат вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган кишиларнинг номзодлари кўрсатилиши муҳимдир.

Ягона сиёсий кунда меҳнат коллективлари ҳузурида область, шаҳар, район, партия комитетларининг секретарлари, бошқа жамоат ташкилотларининг аъзолари, совет, хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

УРГАНЧ, 9 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари область партия комитетининг область партия ҳисобот-сайлов конференциясига ҳисобот докладини тасдиқладилар.

Пленум область партия комитети аппаратининг янги структурасини тасдиқлади.

ЧИНАКАМ ДЎСТЛИК ОҒИР КУНЛАРДА СИНАЛАДИ

ЛЕНИНАКАНГА ВАГОН УЙЛАР ЖЎНАТИЛДИ

«Узстройконструкция» бирлашмасининг Зирабулоқдаги тажриба-механика заводида тайёрланган вагон уйлар платформадан биринкетин жой олди. 9 декабрда тўла иш кунида тайёрланган мҳсулот — тўртта ана шундай кўчма уй бошпанасиз қолган одамларни жойлаштириш учун Ленинаканга жўнатилди. Бу вагон уйларни темирйўлчилар икки кунда етказиб беришга ваъда қилдилар.

Ҳар бир вагонда учта ётадиган жой, мебеллар, овқатланиш хонаси, электр плита ўрнатилган ошхона, туалет бор — ҳатто ойна ва дераза пардаларигача ўрнатилган. Завод бу кўчма уйларни Ўзбекистон қурувчиларига етказиб бериши лозим эди. Энди яқин ўн кун ичида тайёрланадиган 40 та вагон уй Арманистон ССР-га юборилади.

Бирлашманинг бош директори В. И. Смотров «Узстройконструкция» заводлари болалар боғчалари, мактаблар ва касалхоналар қуриш учун йиғма темир-бетон деталларнинг тўла комплектини Арманистонга етказиб беришларини айтди. Бундай деталларни ортиш бугун бошланди.

Бош директор билан суҳбатимиз бирданига узилиб қолди, чунки телефон трубкасини аёллар, бирлашма аппарати ходимлари олишган эди. «Арманистондан етим қолган болалар ва бошпанасиз қолган одамлар Тошкентга келишаётганини эшитдик, — деди Земфира Рашитовна Борисова. — Бизнинг оиламиз уч кишини қабул қилишга тайёр...».

(ЎзТАГ мухбири).

СИЗНИ КУЛФАТДА ҚОЛДИРМАЙМИЗ!

9 декабрь куни эрта тонгданоқ Ўзбекистон пойтахтидаги Ҳамза район комсомол комитетига турли корхоналар ва ташкилотлардан ёшлар кела бошлашди — улар Арманистондаги қаттиқ зилзиладан жабр кўрган кишилар учун болаларнинг қишлик кийимлари, ўйинчоқлар, китоблар, дарсликлар, дафтарлар олиб келишди. Совғалар кўп бўлгани учун алоҳида хона ажратишга тўғри келди.

Районда газ пайвандчилар, дурадгорлар, қурувчилардан иборат 50 кишилик комсомол ёшлар отряди тузила бошланди. Якшанба куни комсомоллар Ереванга жўнаб кетадилар.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари арман халқи бошига тушган кулфатдан хабар топиб, юрак-бағирлари эзилиб кетди. Бир қанча корхоналар ва ташкилотларда пюшлинч митинг ҳамда йиғилишлар бўлди. Бу йиғинларнинг қатнашчилари жабр кўрган одамларга маънавий ва моддий мадад бериш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилишга тайёр эканликларини айтдилар. Тошкент ёғ-мой комбинатида қишлик кийимлар йиғишга киришилди. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, иккинчи нон маҳсулотлари комбинати, «Узбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, «Лола» атирупа фабрикаси, «Средазтепломонтаж» трести, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари 10 декабрь куни шанбалик уюштириб, ишлаб топилган пулни зилзиладан азият чеккан кишиларга ёрдам фондига ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. (ЎзТАГ).

ҲАМДАРДЛИК

Арманистонда фожиали зилзиладан жабрланганларга 9 декабрь куни самолётда 5 тоннага яқин боғлаш материаллари, 320 шиша қон, қон қуйишда бир марта ишлатиладиган 800 та система, дори-дармонлар жўнатилди. Врачларнинг учта бригадаси жўнаб кетишга ҳозирлик кўришди. Улар орасида травматологлар, жарроҳлар, педиатрлар, юқумли касалликларни даволовчи врачлар, санитария врачлари, ўрта бўғин медицина хизмати ходимлари бор.

Мазкур группаларда Назарбек, Газлида, Наманган областида бўлган зилзиладан жабрланганларга ёрдам беришда тажриба орттирган мутахассислар бор.

Бундан ташқари Арманистонга 100 минг сўмлик медицина ускуналари ва жиҳозлари ҳамда иккита санитар машинаси жўнатилмоқда.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Е. Ф. Забковнинг маълум қилишича, фақат Тошкент шаҳар касалхоналари Арманистонда рўй берган табиий офатдан азият чеккан 330 кишини қабул қилишга тайёр. Ўзбекистон ССР 15 йиллиги номли болалар санаторийси 200 нафар арман болаларини ўз бағрига олади.

(ЎзТАГ мухбири).

МАДАДКОРМИЗ

АРМАНИСТОНДА ЗИЛЗИЛАДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ УЧУН МАБЛАҒЛАР ЎТКАЗИШ МАҲСУС СЧЕТЛАРИ ОЧИЛГАНИ ҲАҚИДА

СССР уй-жой-социал банки Арманистон ССРнинг бир қанча районларида зилзила натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг оқибатларини тугатиш мақсадида 700412 махсус счетини очди. Бу счетга аҳоли, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кўнгилли равишда пул ўтказадилар. Маблағлар СССР банкларининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Совет ва чет эл гражданлари ҳамда ташкилотлар чет эл валютасидаги хайр-эҳсонларини СССР ташқи иқтисодий банкининг 700412 счетига юборишлари мумкин.

Қардошларимиз юрти — Арманистонда юз берган оғир кулфатга ҳамдардлик билдирамиз. Табиий офат — ҳалокатли зилзила оқибатида Арманистон диёри ва халқи талафот кўрди.

Ер қимирлаш нималигини биз яхши биламиз. Тошкент зилзиласи туфайли юз берган вайронгарчиликни қайта тиклашда барча иттифоқдош республикалар қатори арман халқининг биродарларча кўрсатган ёрдамини ҳеч унутмаймиз. Арман халқи бошига тушган мусибатли кунларда уларга нисбатан янада хайрихоҳ ва илтифотли бўлиш, ёрдам қўлини чўзиш бизилмас совет халқлари оиласи фарзандларининг муқаддас бурчига айланмоғи зарур.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академияси илмий атеизм институтининг Тошкентдаги республикалараро филиали коллективининг ҳар бир аъзоси табиий офатдан зарар кўрган арман халқига ёрдам тариқасида 10 сўмдан 20 сўмгача пул ўтказишга аҳд қилди. Коллективимиз ҳиммати ёрдам фондига баҳолиқудрат ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз.

А. ҚУЧҚОРОВ,
Илмий атеизм институтининг Тошкентдаги республикалараро филиали директори.

Қардош халқларга ёрдам

● Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти Марказий Комитети кучли зилзиладан зарар кўрган Арманистон аҳолисига 10 минг сўм ўтказди. Бундан ташқари Озарбайжон ва Арманистондан кўчаётганларга 5 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Табиий офатдан жабр кўриб бошпанасиз қолган кишиларнинг хол-аҳволига бефарқ қараб бўлмайди. Миллатлараро маънисиз тўқнашувлар натижасида ўз уй-жойларини ташлаб кетаётганларга ёрдам беришга ҳар бир киши баҳолиқудрат ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Бунинг учун ихтиёрий равишда донор қонларини топшириш ҳамда маблағни Тошкент шаҳар Киров районидаги уй-жой социал банкининг 000700378 счёти, 734321 коди ҳисобига ўтказиши керак.

О. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти Марказий Комитети раиси.

Арман жигарларимга

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Шоира Силва КАПУТИКЯНга

Ногиҳоний кулфат тушди бошинга,
Дардингга шерикман, эзилди бу қалб
Ахир жигаримсан, сенинг кўз ёшинга —
Қараб туролмайман, йиғитлари алп —

Қизлари Ширинним — Навоий меҳри,
Доно арманимсан, қондошим, иним.
Ҳуруж қилди зилзила — табиат қаҳри
Сенга югураман, йўқ ором, тиним.

Не зарур, барини қиламиз, ахир
Қудрати жаҳоний буюк Ватанмиз!
Азизам, кулфатинг ғоятда оғир,
Сену биз азалий бир жону танмиз.

Ўзбек ҳам тортганди бу офат жабрин,
У кунлар бизларни қўймадинг якка.
Қараб туролмайман, йўқ асло сабрим,
Дардинг алам солди, синглим, юракка.

Ғарчи тўс-тўпалон кўтариб ғорат...
Баъзилар янглишди, қилдилар хато.
Умум халқ саломат, арман саломат,
Оға-иниларидан бўлмас ҳеч жудо.

Аветик Исаакян юртида бўлдим,
Ўзинг йўл бошладинг, азизам Силва.
Севан ёқасида илҳомга тўлдим,
Ҳамон кўз олдимда шеърларинг, жилванг.

Кўрдим тоғларингда кезган ўша он,
Телескоп кўзларида коинот инкоси...
Кўз олдимда тенгсиз Матенадорон,
Жавоҳир китоблар — арман закоси.

Ажралмас дўстларим қанча!
Бу фурсат —
Мусибат кунлари нотинч қалбимиз.
Азизам, матонат, ироданг кўрсат,
Тезда жароҳатни тузатмоқ мақсад —
Сизлар билан бирга ўзбек халқимиз!

ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ

СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари союзи ижроия комитети Арманистон ССР районлари ва шаҳарларида рўй берган кучли зилзила муносабати билан Ереванга врачлар махсус бригадасини юбораётган СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан куч-ғайратни жамлаб, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ёрдам юки ортилган самолёт у ерга жўнаб кетди. Жабрланганларга 128 минг сўмлик ич кийим, идиш-товоқ, палаткалар, даволаш ҳамда қишлоқ врачи учун наборлар, хўжалик моллари ва бошқа энг зарур эҳтиёж товарлари жўнатилди.

(ТАСС).

ЎЗ ДАРДИМИЗДЕК...

ТБИЛИСИ, 8 декабрь. (ТАСС мухбири Л. Гагуа). Врачлар, травматологлар, реаниматорлар, жарроҳлар медицина ҳамшираларининг қирқ кишилик бригадаси бугун Арманистонга жўнаб кетди. Таниқли совет равматологи Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреати Отар Гудушаури Грузия травматология марказидан тажрибали медикларни танлаб олди. Уларнинг барчаси олимнинг шогирдларидир. О. Гудушаури клиникаси зилзила районларидан дастлабки беморларни қабул қилди.

— Ленинакан, Кировакан ва оф атан содир бўлган бошқа районларга асосан педиаторлардан иборат иккинчи бригада йўл олади, — деди ТАСС мухбирига Грузия ССР соғлиқни сақлаш министри И. Менагаришвили. — Кеча офат содир бўлган районга дори-дармонлар, қон ўрнини босадиган препаратлар, бир марта фойдаланиладиган қон қуйиш системалари ортилган автопоезд жўнаб кетди. Юзлаб донорлар — турли миллат кишилари — грузин, арман, озарбайжон, руслар, республикада истиқомат қиладиган бошқа миллат кишилари арман қардош биродарлари учун беминнат қон топшириш истагини билдирдилар. Врачларнинг икки бригадаси Грузиянинг Арманистон билан чегарадош районлари бўлган Богдановка ҳамда Ахалцихага жўнаб кетди. Бу районларнинг касалхоналарига ҳозиргача азият чеккан 200 дан ортиқ киши келтирилди.

Жангчилар кўмакка ошиқишмоқда

Арманистоннинг зилзила содир бўлган районида граждан мудофааси бўлинмалари, маҳаллий аҳолидан кўнгиллилар билан бирга Закавказьелик жангчилар ҳам, шунингдек табиий офат содир бўлган районга келаётган бошқа ҳарбий мутахассислар катта ишлар олиб боришмоқда. СССР мудофаа министрининг ўринбосари — СССР Қуролли Кучлари таъминоти бошлиғи армия генерали В. М. Архипов ТАСС мухбири билан суҳбатда шу ҳақда гапириб берди:

— Экстремал ҳолатларда кўп марта содир бўлганидек, энг кўп зарар кўрган районларга биринчи бўлиб, инженер-сапёр қисмлари бўлинмалари, бошқа касбдаги жангчилар етиб келишди. Улар жабрланганларни қулаган бинолар остидан чиқариб олиб, қутқариш ишларини фидокорона бажармоқдалар, босиб қолган жойларни тозаламоқдалар, электр ва сув таъминоти линияларини тикламоқдалар. Колонна йўлларини тайёрламоқдалар, аҳолини армия транспорти билан кўчиришни уюштирмоқдалар.

Ер ости силкинишларидан сўнг бир неча соат ўтар-ўтмас, ўша жойда чодирларда дала медицина пунктлари ташкил этилди. Бу пунктларда дарҳол зарур ёрдам кўрсатила бошланди. Ҳарбий жарроҳлар дала шароитида бир қанча мураккаб операцияларни ўтказдилар, шу жумладан болаларни операция қилдилар.

Закавказьелик жангчилар 8 декабрь тонгларидан азият чекканларни қуруқ ... ом билан таъминлайдиган махсус пунктлар очдилар, дала ошхоналари иссиқ овқат пишира бошлади. Чодир шаҳарчалари қурилмоқда. Бу шаҳарчалардан Ленинакан, Кировакандан, шунингдек Спитак, Степанаван, Амасия, Гугарк районларидан кўчириб келтирилганлар бошпана топмоқда. Ер ости силкинишларидан омон қолган казармалар, офицерлар уйлари, клублар, ошхоналар, бир қанча гарнизон округларининг медицина пунктларига жароҳатланганлар, бошпанасиз қолган кишилар жойлаштирилмоқда. Шу ернинг ўзидаёқ дала ҳаммомлари, ювиш пунктлари ташкил этилмоқда. Бу ерда зарар кўрганларга бепул иссиқ армия қийимлари, ички кийим берилмоқда.

Шу бугуноқ эрталаб медик ҳамкасбларга ёрдам учун Закавказьега самолётларда С. М. Киров номидаги ҳарбий-медицина академиясидан ва Ленинград ҳамда Москва ҳарбий округлари госпиталларидан юзлаб малакали мутахассислар жўнатилди. Тошкентдан жароҳатланганларни кўчириш учун махсус жиҳозланган самолётлар етиб келди.

Бир қанча ҳарбий округларда — Москва, Киев, Шимолий Кавказ ва бошқа округларда офат рўй берган районга зарур бўлган ҳолда жўнатиш учун озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечаклар резервлари тайёрланмоқда.

(ТАСС).

АЭС ишламоқда

ЕРЕВАН, 8 декабрь. (ТАСС мухбири). Арманистон атом электр станцияси бугун республика шаҳар ва қишлоқларини энергия билан таъминлаб, одатдаги эксплуатация режимида ишламоқда. Табиий офатни бу ерда ҳам одамлар сезишди: АЭС жойлашган районда зилзила кучи 5 балл бўлди. Аммо зилзилага бардошли барча иншоотларнинг бирорта жойи ҳам ёрилмади, деди Октемберян район партия комитети саноат бўлимининг мудири М. Мхитарян. Энергетикларнинг Мецамор уй-жой посёлкаси ҳам зарар кўрмади.

Ереваннинг химия корхоналари ҳам тўла-тўкис ишлаб турибди. Шина заводида, директор А. Сукиасяннинг айтишича, ер ости коммуникацияларининг бир қисмигина шикастланган. Аммо бу ҳолат ишлаб чиқариш маромига ҳалақит бермади. «Наирит» бирлашмаси, «Поливинилацетат» заводи, Канакер алюминий заводи ва бошқа корхоналарнинг барча цехлари ҳам ишлаб турибди.

Ана шу корхоналарда республиканинг азият чеккан районларига ёрдам бериш учун кўнгиллилар отрядлари ташкил этилди.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН—МАЛАЙЗИЯ ҲАМКОРЛИГИ

КУАЛА-ЛУМПУР, 8 декабрь. ТАСС мухбири Станислав Бичков хабар қилади: «Малайзия — Ўзбекистон бевосита амалий муносабатлар бошлаётган Жанубий-Шарқий Осиёдаги биринчи мамлакатдир, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров Малайзияга қилган расмий визити тугаганидан сўнг. — Бундай муносабатларнинг бошланиши шу даражада муваффақиятли бўлдики, Жанубий-Шарқий Осиёдаги бошқа давлатлар билан ҳам шундай алоқаларни ўрнатиш ҳақида жиддий ўйлаяпмиз».

Визит чоғида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида ҳамжиҳатлик тўғрисида имзоланган баёнот савдо-сотиқ ва иқтисодий соҳаларда бевосита ҳамкорликни йўлга қўйиш учун яхши асос бўлади, — деди Ғ. Ҳ. Қодиров. — Мазкур ҳужжат иккала томоннинг ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатишга интилаётганлиги ҳақиқатга айланиши учун кенг истиқболлар очади. Куала-Лумпурда «амалий алоқалар» ўрнатиш имкониятларини амалда муҳокама қилиш тўғрисида бир қатор конкрет аҳдлашувларга эришилди. Жумладан, яқин ойларда тузиладиган аралаш комиссия Ўзбекистонда бунёд этиладиган кондиционерлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхонанинг, Ўзбекистоннинг тарихий жиҳатдан диққатга сазовор жойлари билан танишиш истагида Жанубий-Шарқий Осиёдан келган туристларга мўлжалланган меҳмонхонанинг техникавий-иқтисодий асосланган ҳужжатларини тайёрлайди.

«Ўзбекистон, — деб қўшимча қилди Ғ. Ҳ. Қодиров, — ўз навбатида малайзиялик бизнесменларга газламалар, минерал ўғитлар, машиналар, қишлоқ хўжалик ускуналарини ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда, тўқимачилик ва электротехника саноатида қўлланиладиган технологияларни таклиф этишга тайёр». Чет эллик шериклар билан бевосита шартномалар тузиш учун, деб маълум қилди Ғ. Ҳ. Қодиров Совет ҳукуматининг ташқи иқтисодий фаолиятидаги ўзгаришлар муносабати билан жуда қулай шарт-шароитлар яратилди. Ташқи иқтисодий алоқалардаги ўзгаришларда иттифоқдош республикаларга катта мустақиллик бериш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси совет республикалари билан регион давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар фақат унинг бевосита қатнашчиларига нафли бўлмай, айни вақтда ўзаро фойдага, бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган халқаро иқлимнинг умуман яхшиланиш жараёнига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Ғ. Ҳ. Қодиров визит давомида уни Малайзияга таклиф этган мазкур мамлакат бош министри Махатхир Муҳаммад, ташқи ишлар министри Абу Ҳассан Умар, Малайзия ҳукуматининг бошқа аъзолари, парламент арбоблари, савдо-саноат доираларининг вакиллари ҳамда илм-фан намояндалари билан учрашди ва суҳбатда бўлди, бир қанча саноат объектларига борди.

РАСМИЙ ВИЗИТ ТУГАДИ

КУАЛА-ЛУМПУР, 8 декабрь. ТАСС мухбири Станислав Бичков хабар қилади: Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров бугун Малайзияга қилган расмий визитини тугатди.

Ғ. Ҳ. Қодиров визитнинг сўнгги кунида Малайзия миллий савдо-саноат палатасида музокаралар ўтказди, Куала-Лумпур шаҳрига яқин ердаги пальма мойи муаммолари илмий-тадқиқот институтига борди. Маҳаллий ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси бўлди. Ўзбекистон делегацияси бошлиғи визит натижаларидан мамнун эканлигини айтди. Визит натижалари, унинг сўзларига қараганда, «иккала томоннинг Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйишга сидқидилдан интилаётганидан» далолат бермоқда. Ғ. Ҳ. Қодиров маҳаллий савдо-саноат доиралари Ўзбекистон ССРда биргаликда корхоналар ташкил этиш, биргаликда меҳмонхоналар қуриш, Тошкент билан Куала-Лумпур ўртасида бевосита ҳаво алоқаси ўрнатиш, туристлар айирбошлаш имкониятига чуқур қизиқиш билан қараётганликларини маълум қилди. Келаси йили Малайзияда «Ўзбекистон ҳафталигини» ва Ўзбекистон республикасида «Малайзия ҳафталигини» ўтказиш ҳақида битимга эришилди. «Биз барча аҳдлашувлар ва ғоялар тезроқ рўёбга чиқиши устида қатъият билан ишлаш туйғуси билан Малайзиядан жўнаб кетмоқдамиз», деб таъкидлади Ғ. Ҳ. Қодиров. Бу иш билан аралаш комиссия шуғулланади деди у. — Мазкур комиссияни яқин ойлар ичида тузиш режалаштирилган.

ОТАЛИҚ АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкент области Афғонистоннинг Самангон вилоятига бераётган оталиқ ёрдами қурилиш ва қишлоқ хўжалигини, саноатни, кадрлар тайёрлашни, медицина ёрдамини ҳамда бошқа кўпгина соҳаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон ва Афғонистон Республикаси вакиллари Тошкентда имзоланган Шартнома ҳамкорлик янада кенгайтирилишини кўзда тутади.

Афғонистон вилоятида мевани қайта ишлайдиган, ғишт пиширадиган кичикроқ цехлар барпо этиш мўлжалланади. Ўнлаб мутахассислар — медиклар, бинокорлар, механизаторлар ўз дўстларига амалий ёрдам бериш учун Самангонга борадилар, афғонлар эса Тошкент областидаги саноат корхоналарида малакаларини оширадилар.

Икки йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётган Ўзбекистондаги оталиқ ташкилотлар афғон дўстлари учун кўп иш қилдилар. Вилоятда кичик тикувчилик цехи, ғишт заводи ташкил қилинди, пойафзал тикиладиган ва қишлоқ хўжалик техникаси ремонт қилинадиган корхоналар барпо этилди. Бу ерда ўрнатилган телевизион антена ёрдамида афғонлар эндиликда Москвадан телевизион кўрсатувларни томоша қила оладилар. Вилоят маъмурий маркази — Ойбоқ аҳолисига «Тошкент» магазини ниҳоятда манзур бўлмоқда. Ўзбекистон пойтахтида «Самангон» магазини очилган. Биргаликда барпо этилган дўстлик боғи афғонлар севиб дам оладиган жойга айланиб қолди. Бу ерда жажжи афғонлар учун «Эртаклар шаҳарчаси» жиҳозланган бўлиб, у ҳам Ўзбекистондан совға қилинган. Тез орада эса стадион, чойхона, савдо расталари пайдо бўлади.

(ЎзТАГ).

БИР КЎЧАНИНГ ИККИ ЮЗИ

• Журналист ён дафтаридан

— Ку-Ку-Ку!...

Тонг даракчилари, сарҳарез қушлар чуғурига хўроз қичқириғи уланиб кетди. Шоҳимардон тоғлари этагидаги хушманзара қишлоқ кўчасида навбатдаги кун тараддуди бошланди. Сарвқад келинлар кўча эшиклари атрофини супуришга киришдилар. Елинлари сутга тўлган сигирларнинг бетоқат мўъраши, қўй-эчкиларнинг маъраши, ҳовлилардаги нонушта «жиз-бизи» шундоқ қишлоқ этагида тошдан-тошга урилиб оқаётган Шоҳимардонсойнинг шарқирашига ҳамоҳанг.

— Восижон ака, ҳў, Восижон ака!

Бойтўппи маҳалла комитетининг раиси, ветеран педагог Восижон Жўраев «Азонда чақираётган ким экан?» деган хаёлда ташқарига чиқди. Дарвоза олдида қирғизистонлик икки киши турарди. Улардан бири Умрзоқ Тешабоев оқсоқолни безовта қилгани учун узр сўради:

— Ўғилчанинг никоҳ тўйини ўтказаверсакмикин, деб маслаҳатга келувдик.

— Келин Ўзбекистондан-а?

— Ҳа, лекин, тўй Қирғизистонда бўлади.

— Қани, тўй бўладиган жойни кўрайлик-чи?

Уччаласи «МТС» кўчасининг нариги юзига — Қирғизистон ССР Фрунзе районидаги Халмиён қишлоғига ўтишди. Ҳа, кўчанинг нариги юзи қўшни Қирғизистон. Умрзоқ ака шу республикада яшайди. Тўй маслаҳатини якунлаб, яна Ўзбекистонга — кўчанинг бу юзига ўтишди. Эрта тонгдан чопарлар Умрзоқ аканикига тўйга чорлади.

Бу ғаройиб кўча ҳақида илгари ҳам кўп эшитгандим. Йўлим тушиб, Фарғона районидаги Гулшан қишлоғига бордим. Ҳамроҳим, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Муталибжон Ғуломов бизни ана шу кўчага бошлади. Бу ерда оқсоқоллар, маҳалла активлари билан суҳбатлашиб, бир кўчада яшаётган икки республика одамларининг ўзаро муносабатлари, борди-келдилари, дўст-биродарликлари ҳақида кўп нарсаларни билиб олдик.

— Бу жуда қадимий йўл, — деб ҳикоя қилади Восижон ака. — Илгари Қўқондан Шоҳимардонга борадиган катта йўл мана шу эди.

Дарҳақиқат, йўл ёқасидаги атрофини улкан сада-қайрағочлар қуршаган ҳовуз ёнидаги кўҳна мачит бунга гувоҳ. Мачит пештоқи, шипига солинган нақшлар бир асрдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамай жозибасини йўқотмаган. Бу ноёб архитектура ёдгорлигини кўздан кечирар экансан, қўли гул усталар маҳоратига тасанно айтасан.

Бизга сўзлаб беришларича, 1924 йили Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилган пайтда Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон автоном области (ўша пайтлари Қорақирғизистон автоном области РСФСР составига кирган) ўртасидаги чегара чизиғи Бойтўппи маҳалласининг энг катта кўчаси ўртасига тўғри келган! Чунки кўчанинг Халмиён қишлоғига қарашли томонида кўпроқ қирғизлар, Гулшан қишлоғига қарашли қисмида эса асосан ўзбеклар истиқомат қилишарди. Натижада чегара кўчанинг қоқ ўртасидан ўтказилган.

Атрофини кенг далалар ўраган, узунлиги икки чақиримча келадиган кўчанинг қоқ ўртасида — чегара. Бироқ, мана орадан кўп йиллар ўтди. Аммо бу чегара халқларни иккига ажратадиган тўсиққа айланмади. Балки икки халқни бирлаштирувчи дўстлик чизиғи сифатида хизмат қиляпти. Кўчанинг Қирғизистон ССР томонида «Победа» колхозининг 13 хонадони, Ўзбекистон ССР томонида эса Фарғона районидаги «Коммунизм» колхозининг 50 дан ортиқ хонадони яшайди. Қирғиз колхози ҳар йили давлатга 350 тоннадан ортиқ тамаки топширади, 1721 гектар ерда озуқа экинлари етиштиради.

Фарғона районидаги «Коммунизм» колхози — йирик пахтачилик хўжалиги. Ҳар икки колхоз ерлари бир ариқдан сув ичиб, чорваси бир яйловда боқилади.

— Бир ариқдан сув ичар экансизлар, орада келишмовчиликлар бўлиб турадими?

— Ҳеч қачон! — дейди қатъият билан «Победа» колхози бухгалтери, шу кўчада яшовчи Жўрабой Мирзаев. — Аксинча, колхозларимиз доимо бир-бирига кўмаклашиб келади. Масалан, бизда май ойидан бошлаб хашак тайёрлаш ишлари қизиб кетади. Ўтни вақтида ўриб олиш керак. Гоҳо трактор, прицепларимиз етишмай қолади. Мана шунда «Коммунизм» колхозидан трактор, прицеп оламиз. Қишловга мўл хашак жамғаришимизда гулшанликларнинг ҳам ҳиссаси бўлади. Август ойида эса «коммунизм»ликлар маккажўхори ўримига тушадилар. Ана шунда биз уларга ўрим комбайнлари, бошқа механизмларни юборамиз.

Маҳалла комитетининг ишлари билан қизиқдик. Чунки икки республика аҳолисини бирлаштирган маҳалла комитетининг ишида интернационал алоқаларга оид қимматли тажрибалар бўлиши табиий.

Маҳалла комитети аъзолари орасида Қирғизистон территориясида яшовчи Хошимжон Мирзаев, Умрзоқ Тешабоевлар ҳам бор, — дейди В. Жўраев. — Тўй маросимлари, бошқа турли туман маърака-мажлислари ўтказишда ҳар икки томоннинг талаблари ҳисобга олинади.

— Маҳалла комитетининг қарори ҳар икки томонга ҳам тегишлими?

— Албатта. Биз иккала томоннинг маросимларида ҳам эскилик сарқитларини тугатиш, ортиқча исрофгарчилик, дабдабабозликка барҳам беришга ҳаракат қиляпмиз. Чунончи, ўзбекларда тўй баъзан уч кунлаб давом этади. Маҳалла комитети қарори билан ҳозир тўйларни бир кунда ўтказяпмиз. Қирғиз тўйларида эса «қўноқ кутиш» одати бор. Бунда исрофгарчилик катта бўлади. Масалан, тўйга келган ҳар гуруҳ меҳмонга биттадан қўй сўйилади. Улар алоҳида-алоҳида ўтказилади. Маҳалла комитети бу исрофгарчиликка барҳам бериш, тўйларни замонавий ўтказиш ҳақида қарор қилди.

Гулшан ва Халмиён қишлоқ Советлари ижроия комитетлари бу ажойиб кўча аҳолиси турмуш маданиятини юксалтиришга катта аҳамият беришяпти. Кўчани ободонлаштириш, янги маданий-маиший бинолар қуришни ҳар икки қишлоқ ижрокомлари бамаслаҳат амалга оширишади. Масалан, «МТС» кўчаси бўйлаб ўтадиган водопровод тармоғини қирғизистонликлар қуришди. Негаки, ҳоза ичимлик сув ўша томондан келади. Ўз навбатида бу кўча Гулшан қишлоқ Совети маблағи ҳисобига асфальтланди. Қирғизистон ССР Фрунзе райони матлубот жамияти шу кўчада катта магазин қурди.

Бу хайрли ишларни амалга оширишда Фарғона райони ва Гулшан қишлоқ Совети депутатлари билан бирга Фрунзе район Совети депутати Жолбўлди Текенов, Халмиён қишлоқ Совети депутати Абдураҳмон Кенжаев, Бойтўппи маҳалласи активларидан қирғиз чўпони Топти Қудойбергеновларнинг хизмати катта бўляпти.

Бойтўппи маҳалласининг хонадонларида Қирғизистон ва Ўзбекистон матбуоти нашрларини кўрасиз. Улар ҳам Тошкент, ҳам Фрунзе телевидениеси кўрсатувларини томоша қилишади, радиосини тинглашади. Бу ерда ҳар икки республика ташкилотлари, корхона ва хўжаликларида ишлайдиган одамлар кўп. Тожибой Иброҳимов мана бир неча йиллардан буён Фрунзе район тайёрлов идорасида ишлайди. Хотини Ибодат эса «Коммунизм» колхози пахта етти бу исрофгарчиликка барҳам бериш, тўйларни замонавий ўтказиш ҳақида қарор қилди.

Гулшан ва Халмиён қишлоқ Советлари ижроия комитетлари бу ажойиб кўча аҳолиси турмуш маданиятини юксалтиришга катта аҳамият беришяпти. Кўчани ободонлаштириш, янги маданий-маиший бинолар қуришни ҳар икки қишлоқ ижрокомлари бамаслаҳат амалга оширишади. Масалан, «МТС» кўчаси бўйлаб ўтадиган водопровод тармоғини қирғизистонликлар қуришди. Негаки, ҳоза ичимлик сув ўша томондан келади. Ўз навбатида бу кўча Гулшан қишлоқ Совети маблағи ҳисобига асфальтланди. Қирғизистон ССР Фрунзе райони матлубот жамияти шу кўчада катта магазин қурди.

Бу хайрли ишларни амалга оширишда Фарғона райони ва Гулшан қишлоқ Совети депутатлари билан бирга Фрунзе район Совети депутати Жолбўлди Текенов, Халмиён қишлоқ Совети депутати Абдураҳмон Кенжаев, Бойтўппи маҳалласи активларидан қирғиз чўпони Топти Қудойбергеновларнинг хизмати катта бўляпти.

Бойтўппи маҳалласининг хонадонларида Қирғизистон ва Ўзбекистон матбуоти нашрларини кўрасиз. Улар ҳам Тошкент, ҳам Фрунзе телевидениеси кўрсатувларини томоша қилишади, радиосини тинглашади. Бу ерда ҳар икки республика ташкилотлари, корхона ва хўжаликларида ишлайдиган одамлар кўп. Тожибой Иброҳимов мана бир неча йиллардан буён Фрунзе район тайёрлов идорасида ишлайди. Хотини Ибодат эса «Коммунизм» колхози пахта даласида меҳнат қилади. Эрталаб эр Қирғизистон ССРга, хотин эса Ўзбекистон ССРга ишга жўнашади. Уларнинг катта қизи Лазокат Халмиён қишлоғидаги Тўхтағул номли мактабда географиядан дарс беради. «Коммунизм» колхозининг донгдор бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Бўронбой Пўлатов умр бўйи Қирғизистонда яшаб келяпти. Қирғиз Мавлон Сиддиқов ўзбек мактабида биологиядан дарс беради. Қирғиз ва ўзбеклар орасида қуда-андачилик муносабатлари ҳам кучли. Масалан, қирғиз Тоштемир Ерматов ўзбек Махбуба Абдурашидовага уйланган. Тўрт нафар фарзандлари бор. Ўзбек Абдуғани Суярқуловнинг умр йўлдоши эса қирғиз қизи.

— Районимиз меҳнат аҳли қўшни Қирғизистон ССРнинг Фрунзе райони билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган, — дейди М. Ғуломов. — Ҳар иккала район газеталари тез-тез қўшма сонлар уюштириб турадилар. Қўшничилик алоқаларимиз кучли. Умуман, районимизда турли миллат кишилари яшаб, меҳнат қилади. Бироқ, бизда миллатчилик кўринишлари, ёҳуд миллий маҳдудлик аломатлари сезилгани йўқ. Зеро, коммунистлар, район партия-совет активлари аҳоли орасида интернационал тарбияни кучайтириш, бошқа халқларнинг урф-одатларига ҳурмат билан қараш, ўзаро қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш ишини доимо диққат марказида тутиб келяптилар. Биз учун муҳими одамларнинг қайси миллатга мансублиги эмас, балки, кишиларимизнинг маънавий фазилатлари, ишчанлиги, коммунизм идеалларига садоқатидир.

Бойтўппи маҳалласида шодиёна. Икки ёшнинг никоҳ тўйига кўчанинг икки юзи — икки республика аҳли йиғилган, қирғизистонлик Умрзоқ Тешабоев хонадонига Ўзбекистондан — кўчанинг нариги юзидан келин келяпти. Дўппили, қирғиз қалпоқли ёшлар, атлас кўйлаги-ю қирғиз миллий либослари ўзига ярашиб тушган лобар қизлар қатнашаётган тўйда ўйин-кулги авжида. Қирғизча «Туморим» қўшиғи «Ёр-ёр»га уланиб кетган. Тўй шовқин-суронли ичида қувнаб юрган болалар бир-икки соат ичида ўн-ўн беш марта у республикадан бу республикага ўтиб қўйганликларини сезмайдилар ҳам. Ҳеч ким буни сезмайди. Зотан, совет халқларининг буюк қардошлик оиласида чегара бўлиши мумкинми, ахир?!

— Ку-Ку-Ку!

Хўрознинг сахаркез қичқириғи тўйни ўтказиб чарчаган ота-онани, ҳаётга илк қадам қўйган ёш келин-куёвни, соф ниятли қўни-қўшниларни — ҳар икки республика аҳолисини уйғотади. Дўстлик ва ҳамжиҳатликда кечаётган кунларнинг яна бири бошланади...

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилини барвақт якунлаш учун социалистик мусобақани авж олдирган Тошкентдаги геология-қидирув ремонт заводи меҳнат аҳли ой сайин яхши натижаларга эришмоқда. Меҳнат беллашувларида механика цехи ишчилари пешқадамлик қилишяпти.

Ишчилар меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулотлар сифатини яхшилашга муттасил эътибор бериб, техника ва технология тадбирларини амалга оширмоқдалар, малака оширишга муҳим ишлардан бири сифатида қарамоқдалар.

Суратда: корхонанинг илғор ишчилари (чапдан) Н. Лиясова, В. Каласов, И. Афанасьев ва В. Матвеев.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

ТЕХНИКА ЁРДАМИДА

Улкан пахта бунтлари орасидан одатда туннель ўтказилади. Бу қийин, олти-етти кун вақтни оладиган иш. Шу тариқа пахта шамолладиб ўтирилади.

Яқинда Андижондаги «Коммунар» заводи янги, бунттешар машиналарнинг дастлабки беш намунасини ишлаб чиққан эди. Улардан биринчиси Риштон пахта тайёрлаш пунктида ўрнатилди. Бу машина ёрдами мавсум пайтида жуда қўл келди. Баландлиги икки метр, кенглиги 80 сантиметрли туннелни машина уч-тўрт соат ичида очиб бера бошлади. Бу эса ишчилар меҳнатини енгилаштирди.

Г. БАНКЕТОВ.

КАТТА КУЧ

. Институт илмий ишлари- ишлаб чиқаришга

Халқ хўжалигидаги техник ўзгаришлар, моддий-техника базасининг ривожланишини илмий асосда ташкил этишдаги масалалар олий мактаб ходимлари зиммасига юксак масъулият юклайди. Давлатимизнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишида янги технологияларни яратиш, булар асосида ҳисоблаш техникасини қўллаш, автоматик жараёнларни такомиллаштириш каби ишлар фан-техника ютуқларини жорий этишнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бугунги кунда олий мактаб қайта қуришни астасекин сингдирмоқда. Ишлаб чиқаришни бошқаришда ва олимларни рағбатлантиришдаги мустақиллик ишнинг самарадорлигини ошириш борасида катта имкониятлар туғдирмоқда.

Сир эмаски, фан-техника тараққиётида анчагина турғунлик бўлди. Натижада саноатда чиқиндилар кўпайди, эски технология ва машиналар билан сифатсиз маҳсулотлар чиқараётганимизни сезмадик.

«Қурилиш материаллари» кафедрасида бир талай янги, ҳозирги кун талабига жавоб берадиган, чиқиндилар асосида олинадиган арзон материалларнинг таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилди. Бу ҳақда ахборот варақалари ва мақолалар ёзилди. Шу йилнинг июль ойида эса ушбу мавзуга аталган «Ғоялар аукциони» ўтказдик. Аммо қурилиш корхоналари томонидан буларга ҳали ҳам деярли қизиқиш йўқ. Ахир биз битумни эллик процентга тежаб, мустаҳкамлиги 2—3 баравар оширилган арзон асфальтбетон олдик. Нефть гудронини оксидламасдан битум олишни таклиф қилдик. Цемент ҳароратини 15—20 процент тежаш йўлларини топдик. Шу кунгача ёқилаётган чиқинди канон поясидан иссиқлик изоляция ва деворбоп бетон, арзон полимер-бетондан муҳофазабоп плиталар олдик. Шунга қарамай битум, цемент, керамзит, чидамли материаллар йўқ деган баҳоналар билан план бажармаётган корхоналар ҳам бор.

Қайта қуришнинг асосий йўналиши халқ хўжалигини иқтисодий йўл билан бошқаришдир. Шундай экан, илмий таклифлар, янгиликлар, илмий ечим ва маслаҳатларни «товар» маъносида тушуниш керак, деб ўйлаймиз. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Илмий ишларда жонбозлик кўрсатаётган, натижаларни қурилишда татбиқ қилишда югуриб-елиб юрган олимларни на фақат маънавий, балки иқтисодий томондан ҳам рағбатлантириш вақти келди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг илмий корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга доир кўрсатмаларига кўра, илмий-текшириш лабораториялари, кафедра ёки институт ходимларининг ҳар бир соат вақти ҳисобда бўлади. Акс ҳолда қурилиш корхоналари билан тузилган ўзаро хўжалик шартномаси ўз вақтида битмаслиги мумкин. Бунда илмий ишга алоқадор бўлмаган ташкилий ишлар, раҳбарларнинг ҳар турли топшириқлари ва, энг муҳими, қишлоқ хўжалик ишларига жалб этадиган вақт қандай ҳисобга олинади? Бундай топшириқларга кетган вақт учун буюртмачи-ташкилот пул тўламайди-ку ахир. Уларни биздаги ташкилий ишлар қизиқтирмайди ҳам. Пландан ташқари топшириқлар учун эса пул тўлашга тўғри келади. Министрлик бу масалаларни ҳал қилишга аниқлик киритса яхши бўларди.

Илмий ва ўқув ишларининг такомиллашишда Халқ таълими министрлиги билан олий ўқув юртларидаги кафедралар орасида ректорат, деканат сингари маъмурий органлар бор. Аслини олганда сифатли мутахассис тайёрлашда, аввало, масъулият кафедра зиммасида эканлигини эътиборга олганда, министрликнинг иш фаолиятини қуйи звенода активлаштириш зарур бўлиб қолди. Кафедра учун бундай органларни босиб ўтиб, министрликдан «нажот сўраш» одат тусига кирмаганди. Чунки турғунлик йилларида ректорат ҳам, деканат ҳам мақтовлар гирдобида бўлиб, долзарб вазифаларни, нуқсон ва камчиликларни сезмай қолдилар. Буйруқбозлик ва бюрократик иш услуби ривож топди.

Илмий ишлар самарадорлигини оширишда ҳисобга олинмаган имкониятлар жуда кўп. Ушбу резерврларни олимлар билан қурилиш раҳбарлари биргаликда ҳал қилишмас экан, яна аввалгидек ваъдалар доирасидан чиқолмаймиз. Қурилишга тавсия этиладиган илмий ишлар обдон ва чуқур ўрганилган бўлиши лозим. Ҳар бир корхона, район, ниҳоят, республика шароити ва унинг имконияти ҳам илмий иш натижаларини татбиқ қилишда эътиборга олинган бўлиши шарт. Илмий ишларимизга ишончимиз комил экан, аввало уни қурилишда, мутахассислар олдида намойиш қилиш, уларни ишонтириш керак. Шунда корхона ва қурилиш раҳбарлари олимларни ҳамкорликка тортишлари аниқ.

Афсуски, кўпгина қурилиш ва корхона раҳбарлари, олимлар билан хўжалик, шахсий ва вақтинча ижодий коллектив шартномаларини тузишга доир масалаларни билмайдилар. Натижада сарсонгарчилик ишлари авжига чиқмоқда. Бу борада шундай таклифимиз бор: аспирантурага кираётган бўлажак олимни ўз мутахассислигига мос йирик бир корхонага бириктирилса, у лаборатория ва материаллардан фойдаланиш имконитига эга бўлса, шу билан бирга ишлаш жараёнида корхонага янги таклифлар, техник янгиликлар ва ўз илмий хулосаларини татбиқ этса. Ўзаро бўладиган шартномада, иқтисодий кўрсаткичга кўра маълум даражада авторларни рағбатлантиришни ҳам эътиборга олинса. Бундай усул аспиранти ўз лабораториясида қилолмаган ишларни корхонада бажаришига имкон беради.

Олий ўқув юртларидаги илмий ишларни яхшилаш ва такомиллаштириш учун, аввало унинг структурасини ўрганиш ва қайта қуриш зарур. Гап илмий ишларга сарфланадиган маблағ устида боряпти. Ҳозир фундаментал илмий ишлар учун 15 процент, қурилишга тавсия этувчи экспериментал ишлар учун етмиш ва ниҳоят лойиҳа ишлари, завод шароитида экспериментал буюм чиқариш учун фақатгина 15 процент маблағ ажратилади. Ушбу маблағ, СССР Халқ таълими давлат комитети тавсиясига кўра, 20—50 ва 30 процент миқдорида бўлиши керак. Кейинги пайтда изланишга доир илмий ишларга шартномалар тузиш камайиб кетмоқда. Ваҳолонки, бундай ишлар учун маблағ миқдори 15 эмас, йигирма процент бўлиши керак. Ишлаб чиқариш корхоналари фақатгина фойда келтирувчи, тайёр жорий этиладиган ишларга қизиқяпти. Корхона ва қурилиш идораларининг хўжалик асосида бошқаришга ўтиши натижасида кўпгина илмий темалар рад этилмоқда. Шундай экан, изланиш ишларига бюджет ҳисобидан махсус маблағ ёки штатлар ажратиладими?

Гап шундаки, қабул қилинган қарорларга кўра бўлажак илмий ишларимиз, яъни фундаментал илмий изланишлар икки-уч марта, лойиҳа ва экспериментал буюмлар чиқариш эса уч-тўрт мартага ошиши зарур. Ахир бизнинг моддий-техника базамиз жуда хароб-ку, асбоб-ускуналар кам, уларни ўрнатиш учун жой, электр энергия етмайди, полигонларимиз йўқ. Қўйилган бундай улкан вазифаларни бажариш учун шароит яратиш, илмий ишларга маблағни етарли даражада ажратиш каби долзарб масалаларни қандай бажариш ҳақида ўйлаш зарур.

Маълумки, қурилиш илмий изланишларга бой ва ечилмаган проблемалари кўп соҳа. Ахир, бу ишларни бир марказга тўплаб, координация қилиш, фан билан ишлаб чиқаришни яқинлаштириш ва умуман буларга раҳбарлик қилиш кимнингдир зиммасида бўлиши керак-ку! Бир вақтлар республика Госстройи «Архитектура и строительство» илмий-текшириш институтини очиш масаласини қўйган эди. Балки москваликлардан ўрганиб, биз ҳам республикада корхоналараро илмий-техника комплексини тузармиз. Республикада энг йирик бўлмиш «Ўзагропромстрой»да ёки давлат қурилиш комитетида хўжалик асосида ишлайдиган кооперативлар сонини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Балки бундай бирлашмаларнинг иш услубини мунтазам равишда ишлайдиган аукцион савдо ёки «ғоялар ярмаркаси» принципида тузиш керакдир.

Илмий ишларимизни тез татбиқ қилиш мақсадида институтимиз қошида «Эффект» кооперативи ташкил топмоқда. Мустақил иқтисодий рағбатлантириш асосида ишлайдиган бундай кооператив илмий янгилик натижалари келтирган фойда асосида ишлайди. Фундаментал илмий ишларни кафедра ўқитувчилари илмий ходимлар, аспирантлар, стажерлар, тадқиқотчилар олиб борадилар. Бу группани бирлашма қошидаги фикрлаш маркази, деб атадик.

Яна бир масала. Йирик олимларнинг ярмидан кўпи институтларда ишлайди. Қурилиш соҳасида эса ундан ҳам кўп. Булар «Тармоқ, академик ва олий мактаб» деб номланувчи илмий иш группаларидир. Ҳозирги тартиб бўйича «Олий мактаб фанининг маблағи Академияга қарашли институтларга ажратиладиган бюджетнинг ўндан бирини ташкил этади. Бу аҳволда институт илмий ишларини қачон дунё миқёсига кўтариш мумкин бўлади. Илмий иш учун бирор қурилиш қилиш зарур бўлса, ёки нодир асбоб-ускуналар олиш керак бўлиб қолса, давлат бюджетидан махсус маблағ ажратилмайди. Назаримда, кўп соҳадаги илмий кадрларни ўз ичига олган олий ўқув юртларида илмий-текшириш институтларини ташкил этишдан манфаат анча бўлса керак? Муҳими, татбиқ ишлари учун студентлардек тайёр куч борлиги катта аҳамиятга эга бўлган масала.

Илмий иш билан машғул бўлганлар учун қоғозбозликни тубдан камайтирсак, кўнгилдагидек бўларди. Масалан, шартнома асосида тузилган ҳисоботни министрликка топшириш учун ўнтадан кўп ҳужжат, протоколлар тайёрлаш зарур. Бизнингча, ҳисоботни тақриз қилиш ва буюртмачи-қурилиш корхонасида кўрилган протоколнинг ўзи кифоя. Қилинган илмий иш натижаларини обдон таҳлил қилиш, қурилишда жорий этиш каби муҳим масалалар ушбу протоколда ёритилган бўлиши зарур. Қоғозбозликни камайтириш борасида қанча кўп иш қилсак, олимларга бўлган ишончдан манфаат шунча кўп бўлиши аниқ.

Э. ҚОСИМОВ,
Тошкент политехника институти кафедра мудири, техника фанлари доктори.

АҲОЛИ РЎЙХАТИ—МУҲИМ УМУМДАВЛАТ ИШИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати масалалари юзасидан илгари қабул этилган қарорлар қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди. Қарорда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик жараёни ниҳоясига етаётганлиги қайд этиб ўтилади. Ҳукумат қарорларида кўзда тутилган бир қанча комплекс тадбирлар бажарилди. Уйларнинг ва қишлоқ аҳоли пунктларининг рўйхатлари тузиб бўлинди, тегишли областлар ва районларда маъмурий территориал ўзгартишлар юзасидан зарур аниқликлар киритилди, республиканинг бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида муддатидан илгари аҳоли рўйхати ўтказилди, аҳоли ўртасида рўйхат масалаларига доир оммавий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга жуда муҳим умумдавлат тадбирига тайёргарликда бир қанча камчилик ва нуқсонлар бор. Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги, унинг жойлардаги органлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ҳукуматнинг шу йил 1 октябрига қадар шаҳар жойларини ва катта қишлоқларни бир хилдаги номер белгилари ҳамда кўча лавҳалари билан таъминлаш борасидаги топшириғини бажармадилар. Ўзбекистон металлургия заводи адрес кўрсаткичларини тайёрлашга доир шартномавий мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилишини барбод этди. Ўзбекистон ССР Госстройи архитектура давлат комитети ва Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги Андижон, Сурхондарё ва Тошкент областларидаги бир қанча шаҳар жойларида картография материалининг сифатли тайёрланишини таъминламадилар. Республика Ички ишлар министрлиги, Фарғона, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё область ижроия комитетлари ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети паспорт режимига риоя этилишини аҳолининг табиий ҳаракатини ҳисобга олишни бузиш ҳоллари ва шу кабиларга барҳам бермадилар.

Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё областларида ва Тошкент шаҳрида рўйхатга олиш билан шуғулланувчи асосий кадрларни танлаш ҳамда тасдиқлаш борасидаги ишлар етарлича суръатда амалга оширилмаяпти.

Рўйхат бўлимларига ва инструкторлик участкаларига телефон алоқаси билан таъминланган биноларни ажратиб бериш масалалари ниҳоятда секинлик билан ҳал қилинмоқда. Тошкент, Андижон, Самарқанд областларидаги ҳамда Қорақалпоғистон АССРдаги кўпгина рўйхат бўлимлари ва инструкторлик участкалари жиҳозланган бинолар, транспорт ва телефон алоқаси билан таъминланмаган. Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Наманган, Тошкент областларининг баъзи районлари ва шаҳарларида Давлат статистикаси органлари учун зарур иш шароитлари яратилмаган.

Андижон, Тошкент, Сирдарё областлари ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари аҳоли рўйхатига тайёргарлик кўриш борасидаги тадбирларга суст раҳбарлик қилиб, уларнинг бажарилиши устидан дуруст назорат олиб бормаяптилар, мазкур масалалар учун бевосита жавоб берувчи қўйи бўлинмаларнинг раҳбарларига нисбатан тегишлича талабчанлик қилмаяптилар. Андижон ва Самарқанд область Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳоли рўйхатига кўмаклашувчи комиссиялар аҳоли рўйхатига тайёргарлик кўриш масалаларида маҳаллий статистика органларига зарур ёрдам бермаяптилар. Андижон, Қашқадарё, Самарқанд областлари ва бошқа областлардаги аҳоли ўртасида бўлажак рўйхат тўғрисидаги оммавий тушунтириш ишлари суст олиб борилмоқда.

Аҳоли рўйхатига тайёргарликдаги мавжуд камчилик ва нуқсонлар ҳукумат топшириқларини бажаришда ижрочилик интизоми пастлигининг, бир қанча министрликлар, идоралар, совет органлари раҳбарлари олиб борган ташкилотчилик ишлари заифлигининг, шунингдек республика раҳбар органларининг қарорлари бажарилиши устидан Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети ва унинг жойлардаги органлари раҳбарларининг назорати етарлича эмаслигининг оқибати бўлди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1989 йилги бўлажак аҳоли рўйхати катта сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлигини таъкидлаб, Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министри ўртоқ Михайловнинг, республика Госстройи давлат архитектура комитети раиси ўртоқ Ҳайдаровнинг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раисларининг эътиборини бўлажак аҳоли рўйхатига тайёргарлик ишидаги мавжуд жиддий камчиликларга, бир қанча қўйи бўлинмаларнинг раҳбарлари ҳукумат топшириқларини бажаришга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётганликларига, улар белгиланган тадбирларнинг муҳимлигига етарли баҳо бермаётганликларига қаратди ҳамда мазкур масалаларга муносабатни тубдан ўзгартиришларини талаб қилди.

Шартнома мажбуриятларини барбод этган Ўзбекистон металлургия заводининг директори ўртоқ Анахинга қаттиқ танбеҳ берилди, унга 1989 йилнинг 1 январига қадар типовой кўча лавҳалари ва номер белгиларини тайёрлаш хусусидаги марказлаштирилган буюртмани бажариш юзасидан оператив чоралар кўриш топширилди.

Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигига, республика Госстройининг давлат архитектура комитетига маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари билан биргаликда шаҳар жойларининг адресларини тартибга келтириш борасидаги ишларни 1989 йилнинг 1 январига қадар ниҳоясига етказиш таклиф этилди;

Шу йилнинг 20 декабрига қадар шаҳар жойлари ва районларнинг чегаралари аниқлансин, картография материали содир бўлган ўзгартишларга, шунингдек янги қурилишлар мавжудлиги ҳамда эски уйлар бузиб ташланганига мувофиқ ҳолга келтирилсин.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг республикада паспорт режимига риоя этилиши устидан контролликни кучайтириш борасидаги кўрсатмаси сўзсиз бажарилишини таъминлаши зарур.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳар бир район, шаҳарда аҳоли рўйхати ўтказишга тайёргарликнинг аҳволини бир ҳафталик муддат ичида кўриб чиқишлари ҳамда камчиликларни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўришлари керак. Улар: — давлат бурчларини бажариш шарти билан рўйхат ходимларини танлаш ва уларнинг ҳар бирини тасдиқлаш ишларини бир ҳафталик муддат ичида тугаллашлари, бу ишни қаттиқ назорат остига олишлари, тасдиқланган кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик чораларини кўришлари, уларни асосий ишдан ўз вақтида холи қилишлари, белгиланган муддатларда уларнинг сифатли ўқитилишини ташкил қилишлари;

— шу йилнинг 15 декабрига қадар рўйхат бўлимларига ва инструкторлик участкаларига телефон алоқаси, мебель билан таъминланган бинолар, транспорт воситалари рўйхат даври учун бепул ажратиб берилишини ниҳоясига етказишлари;

— шу йилнинг декабрь ойида барча қишлоқ Советларида хўжаликларнинг рўйхат китобларини сифат жиҳатидан текшириб кўришлари;

— статистика органларига зарур ёрдам беришлари, уларни ва рўйхат ходимларини аҳоли рўйхатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилмасликлари зарур.

Қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида 1988 йилнинг 25 декабригача Ўзбекистон ССР Министрлар Советига маълум қилиш таклиф этилади.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетига, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига 1989 йилги бўлажак аҳоли рўйхати кенг пропаганда қилинишини таъминлаш топширилди.

1989 йилги аҳоли рўйхатини ўтказиш даврида тегишли органларга оператив ёрдам бериш ва контролни амалга ошириш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советида, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советида, область ижроия комитетларида ва Тошкент шаҳар ижроия комитетида ишчи группаларни тузишни зарур деб ҳисоблашга қарор қилинди.

• *Ягона оилада*

АШИМОВЛАРНИНГ ИККИНЧИ ВАТАНИ

Миллати уйғур бўлган Муҳаммад Ашимовни қўпгина чет элларнинг музикачилари «шарқлик страдивари» деб аташади. У ясаган ғижжак ва танбурлар, чанг ва дуторларни созандалар товушидан таниб оладилар ва бу асбобларда чалишни ўзлари учун шараф деб ҳисоблайдилар. «Ўзбектелефильм» студиясида суратга олинган «Уйғур оиласи» деб аталган картина донгдор уста ва унинг оиласи ҳақида ҳикоя қилади. Бу лента яқинда Хитойнинг Синьцзян телевидениеси орқали зўр муваффақият билан намойиш этилди.

Картина режиссёри Аброр Қосимов ўзи севган мавзуга олтинчи маротаба мурожаат қилмоқда, унинг аввалги картиналари ҳам совет уйғурлари ҳаёти билан таништиради. Бу сафар режиссёр совет диёрида бахтини топиб, элга танилган, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган оиланинг ажойиб тақдири ҳақида ҳикоя қилди.

— Мен Ашимовлар катта оиласининг аъзоси бўлганим учунгина мазкур мавзуга қўл урганим йўқ, — дейди Аброр Қосимов. — Менинг отам Саидакбар Қосимов Зингер компанияси Туркистон филиалининг Хитойдаги савдо вакили эди. У Пекинда, сўнгра эса Қашғарда ишлаган ва ана шу давр ҳақида кўп ҳикоя қилиб берарди. Муҳими эса мен майда миллат вакиллари — уйғурлар СССР халқларининг қардошлик оиласида қандай яшаётганини кўрсатишни истадим. Бошқа миллатга мансублик ҳеч қачон уларнинг ҳуқуқларини, қадр-қимматини камситиш учун сабаб бўлган эмас. Аксинча, бу ерда улар ўз урф-одатларини, анъаналарини, миллий маданиятларини сақлаб қолишлари учун барча шароитни яратиб беришди.

Фильмнинг бош қаҳрамони — Муҳаммад Ашимов олтмишинчи йилларда ўз оиласи билан Хитойнинг Синьцзян — Уйғур автоном районидан СССРга, Қозоғистонга келди. Бу ерда уларни самимий ва сидқидилдан қарши олдилар. Муҳаммад севимли ишини давом эттирди. У ўзи ясаган баъзи асбобларни Олмаота консерваториясига тақдим этди. Устанинг кўпгина маслаҳатлари ана шу олий мактаб мутахассисларига кўпгина асбобларни тиклаш ва реконструкция қилишда ёрдам берди. Музикага, нафосатга муҳаббат фарзандларига ҳам отадан мерос бўлди.

— Болалигимизда, Хитойда яшаган пайтимизда, — дейди Муҳаммад отанинг катта қизи Маданият, — дадам қўлларига дутор олиб, «Ҳозир сизларга Самарқандни кўрсатаман», — дердилар. Биз қандайдир ажойиб нарсани кўришни умид қилиб дутор ичига мўралардик, лекин унинг ичида ҳеч нарса кўринмасди. У торларни черта бошлаши билан фусункор куй гўё бизни узоқ ўлкаларга чорлаб, хаёлимизда афсонавий манзараларни гавдалантирарди. Ёшимиз улғайиб биз орзу қилган шаҳар — Самарқандга келганимизда ҳис қилган бахтни яна бошимиздан кечирдик. Отам ўзининг бутун умри мобайнида бизни бошқа халқларнинг маданиятини, демакки, ана шу халқларнинг ўзини қадрлаш ва ҳурмат қилишга ўргатди.

Ашимов фарзандларининг тақдири қандай бўлди? Маданият — Ўзбекистон филармонияси қошидаги уйғур миллий этнография ансамблининг яккахон хонандасидир. Гулбаҳор — СССР Рассомлар союзининг аъзоси, унинг асарлари мамлакатнинг кўпгина кўргазма залларида намойиш қилинган. Маҳмуд Тошкентдаги музика билим юртларидан бирида дарс беради, у ҳам музика асбоблари ясайди. Ризвонгул — Қозоғистон телевидениесининг диктори, уйғур тилида кўрсатувлар олиб боради. Унинг умр йўлдоши — композитор Мурод Аҳмадиев Олмаотадаги республика уйғур музикали драма театрига бошчилик қилмоқда. Ашимовнинг яна бир қизи Райҳон кўп вақт уйғур миллий ансамблида иштирок этиб келди. Ҳозир у Тошкент фармацевтика институтида ишламоқда, аммо у ўз қизиқишини ташламади — халқ ҳаваскорлик рақс ансамблини ташкил этди.

Ашимовларнинг барчаси уйғур ва рус тилларини яхши билишади, ўзбекча, қозоқча сўзлашишади. Катталари эса Хитой тилини ҳам билишади. Улар уйғур ва Хитой ёзувчиларининг асарларини оригиналда ўқийдилар.

Яқинда Райҳон Хитойда бўлди. У туғилиб ўсган Урумчида отаси асос солган халқ чолғу асбоблари фабрикасига борди. Ҳозир бу ерда устани ёд этиб турадиган унинг шогирдлари меҳнат қилишмоқда. Фабрикада музей ташкил этилган бўлиб унда Ашимов ясаган асбоблар ҳам бор. „Музей ташкилотчилари илтимосига кўра Райҳон у ерга отасининг фотосуратлари ва у ясаган музика асбобларини олиб борди.

Режиссёр А. Қосимов мазкур картина устида олиб бораётган ишни тамомлаб, янгисига киришади. Яқинда у Синьцзянда бўлди ва у ерда «Севги ҳақида уч афсона» бадиий фильмини яратиш тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Бу Ўзбекистон, Қозоғистон ва Хитойнинг Синьцзян — Уйғур автоном райони кинематографиячилари нинг биргаликда яратадиган картинаси бўлади.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

• *Совет турмуш тарзи*

● Катта прапоршчик Халфа Маҳматов шахсий жамғармаси ҳисобига қурган уйини Риштон районидаги «Сўх» совхози болалар боғчасига армуғон этди. Ҳозир бу ерда юз нафар кичкинтой тарбияламоқда.

Уруш бошланганда Халфа ҳали ўн саккизга тўлмаган эди. Лекин у ҳарбий комиссариатни кўндириб, ўрта маълумот ҳақидаги аттестатни олган замоноқ фронтга жўнади.

Москва ва Ленинград остоналарида жанг қилди. Белоруссияни, Польшани, Шарқий Пруссияни озод қилишда қатнашди. Ғалабани Дрезденда кутиб олди.

Халфа армия ҳаётининг бутун қийинчиликларини татиб кўрди. Солдат дўстлигидан мустаҳкамроқ куч йўқлигига ишонди. Шу боис у ўзининг бутун ҳаётини Совет Армияси билан боғлашга қарор берди.

Қирқ тўққизинчи йилда уч йиллик муддатга Хитойга юборилди. У ерда инқилобни муҳофаза этишда иштирок этди.

Уйига қайтиб келгач, уйланди. Бахтли турмуш кечиришарди. Назира ажойиб рафиқа бўлиб, икки қиз кўрди. Уларга Замира ва Зулфия деб исм қўйишди. Мана шу йиллар давомида Халфа ўз уйи бўлиши орзуси билан яшади. Фарзандларим ёнимда юрсин, набираларим ва эвараларимнинг шўх кулгусини эшитай, деган ниятда кенг ва ёруғ уй қуришга ният қилди.

Уни бир неча йил қурди. Отпускага чиқиши билан Сўхдаги отаси участкасида ишлади. Қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғлар ёрдамга келишди. Жамғармасининг анчагина қисми бинокорлик материалларини харид қилишга сарфланди.

Бу уй тўрт томони тоғлар билан ўралган тик жарлик ёнида қад кўтарди. У узоқдан кўкрак кериб турибди. Афсуски, Халфа бу ерда бир кун ҳам яшай олмади. Чекланган совет қўшинлари сафида Афғонистонга, Савр инқилобини ҳимоя қилишда қўшни халққа ёрдам бериш учун учиб кетди.

АРМУҒОН

Бир куни катта прапоршчик Халфа Маҳматовни зудлик билан Ватанга чақириб олишди. Уни бу ерда мудҳиш хабар кутарди: рафиқаси вафот этган эди.

Халфанинг тақдирга тан бермай иложи йўқ эди. Қизларини бир ўзи вояга етказади. Иккови ҳам олий ўқув юртини тугаллашди. Меҳнатсевар қизлар бўлиб етишишди.

Катта прапоршчик Халфа Маҳматов учун иккита Қизил Юлдуз ордени, ўнг оёқнинг араланганлиги ҳамда эсдаликлар Афғонистондан хотира бўлиб қолди. У саксон иккинчи йил қишида навбатчининг чодирга отилиб кирганлигини сира-сира унута олмайди.

— Қўшни қишлоққа душманлар бостириб киришибди, — деб хабар қилди у.

Халфа взвод билан қишлоққа кириб борганида даҳшатдан лол қолди. Яқинда очилган мактабда барча болаларнинг қўлларини кесиб ташлашибди. Етти-саккиз ёшлардаги ўттиз боланинг ҳаммаси бармоқсиз қолган эди. Душманлар муаллимнинг бошини кесиб, ўзлари билан олиб кетган эдилар. Танасини эса оёғини осмондан қилиб осишган ва бир варақ қоғозга: «Буни руслар қилишган!» деб ёзиб қўйишган эди.

Ваҳшийлик манзараси унинг кўз ўнгидан узоқ вақт кетмади. Болалар ноласи бир неча кун мобайнида қулоқлари остида эшитилиб турди. Халфа муаллимани — бу зебо, ёш тожик қизини яхши биларди.

Халфа уйқусиз тунларнинг бирида ўз-ўзига: «Бу уйнинг менга нима кераги бор? Шаҳарда квартирам бор. Қизларимни турмушга бердим. Уларнинг ўзлари болали бўлишди. Қишлоққа бориб яшашни исташмаяпти. Нима қилай?» — дея савол берди. Ўшанда, Афғонистонда эканлигидаёқ у, агар эсон-омон уйга етиб олсам, уни болалар боғчасига топшираман, деб қатъий қарорга келган эди.

...Болалар боғчасининг очилиш маросимига бутун совхоз тўпланди. Ҳаваскорлар ўз санъатлари билан унга файз киритишди. Рус, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар янгради. Унинг ҳимматига тасаннолар айтилди.

Суратда: Халфа Маҳматов болалар боғчаси тарбияланувчилари билан.

Р. Шагаев тексти ва фотоси (ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Давлат гидрометеорология комитетининг
В. А. БУГАЕВ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ҚУЁШ ГЕЛИОГЕОФИЗИКАСИ ЛАБОРАТОРИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

радиофизика лабораторияси **мудири** (фан доктори ёки кандидати);
катта илмий ходимлар (2): физика-математика фанлари соҳаси, радиофизика, ионосфера, алоқа системалари, радиотўлқинларнинг тарқалиши, қуёш физикаси;
илмий ходим: радиофизика, радиотўлқинларнинг тарқалиши, алоқа системалари;
кичик илмий ходимлар (3): радиофизика, программалаштириш, алоқа, амалий математика, радиотўлқинларнинг тарқалишини прогноз қилиш.
Конкурс муддати — 18 декабргача.
Ҳужжатлар директор номига қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефон: 33-95-98.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДОСААФ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛИКЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА
1989 ЙИЛНИНГ 5 ЯНВАРИДАН 20 ЯНВАРИГАЧА
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОҲАВАСКОРЛАРИ-КОНСТРУКТОРЛАРИ ИЖОДИЁТИ КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Ўз маҳсулотларини намойиш этиш ва шартномалар тузишни хоҳловчи барча қизиққан ташкилотлар, кооперативлар ва хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишилардан кўргазмада қатнашиш учун буюртмаларни **15 декабрга қадар** спортнинг радио турлари бўйича республика спорт-техника клубига беришларини сўраймиз.
Адрес: 700017, Тошкент шаҳри, Марказ-6, Хуршид проспекти, 86 «а» уй.
Телефон: 35-22-42, 35-32-71.

КОМСОМОЛ ДАЪВАТИ БИЛАН!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ ҚОШИДАГИ ЁШЛАРНИНГ МЕҲНАТ БИРЛАШМАЛАРИ ШТАБИ

ЯРЦЕВ ИП-ГАЗЛАМА КОМБИНАТИДА (Смоленск области) ВА ОРЛОВ ТЕМИР ПРОКАТИ ЗАВОДИДА ИШЛАШ УЧУН

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ОТРЯДИНИ ТАЙЁРЛАМОҚДА.

Ярцев ип-газлама комбинатига йигирувчи, тўқувчи, лентали жиҳозлар оператори ихтисосларига 18 ва ундан катта ёшдаги қизлар таклиф қилинади.
Комбинатнинг асосий ишчиларига 220-300 сўм атрофида маош тўланади.
Тўқувчи ва йигирувчи шогирдлари ўзлари ишлаб чиқарган ироқли маҳсулот учун иш ҳақига қўшимча тарзда уч ой мобайнида 120 сўмдан ҳақ оладилар.
Комбинатга келганлар билан уч йилдан кам бўлмаган муддатга шартнома тузилади.
Орлов темир прокати заводига 18 ва ундан катта ёшдаги йигитлар таклиф қилинади.
Уч йил муддатга шартнома тузганларга 500 сўм миқдорида ҳақ тўланади, шартномани яна уч йилга узайтирилганда яна 300 сўм пул берилади.
Корхонага келганлар квартира типидаги шинам ётоқхона билан таъминланадилар.
Завод ишчилари ўртача 300-350 сўмдан маош оладилар.
Жамоат чақириғига кўра ишга борувчиларга самолёт билетининг нархи ва кунлик ҳақ тўланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 9-уй. Телефонлар: 32-27-07, 56-04-15.
Тошкент область комсомол комитети қошидаги ёшларнинг меҳнат бирлашмалари штаби

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЦЕНТРАЗЭНЕРГОРЕМОНТ» КОРХОНАСИ

исталган қувватдаги 6 кв. кучланишли электр двигателларнинг статор обмоткаларини

РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700084, Тошкент шаҳри, Муртазоев кўчаси, 8-уй (3, 16, 25, 28-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри» бекати. Телефон: 34-94-09.

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг
«УЗВОДКОМПЛЕКТ» ТРЕСТИ
ТУГАТИЛАДИ

2 январгача қуйидаги адресда қабул қилинади: 700057, Тошкент шаҳри, Магазин Мавзу кўчаси, 293-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/XII **Князь Игорь** (15.00), **Концерт** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/XII да **Нажот истаб.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/XII да **Тошкентда туман.**

Ўзбекистон ССР Давлат план қўмитетининг Ҳисоблаш марказли экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институти коллективи институтнинг директор Ўринбосари Ш. С. Зуфаровга отаси

Сафо ЗУФАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат маданият институти коллективи жисмоний тарбия кафедрасининг доценти М. Т. Тошпўлатовга аканси

Қудратилла ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг ректорати, партия, касаба союз ташкилотлари ва «Материаллар қаршилиги» кафедраси коллективи кафедра катта ўқитувчиси И. Ш. Иноғомовга отаси

Шукурхўжа ИНОҒОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«НИИстромпроект» институти коллективи елимшак материаллар ва буюмлар лабораториясининг илмий ходими В. Қ. Илёсовга отаси

Қутбиддин ИЛЁСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўқитувчи» нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди:

Авторлар коллективи. Рус тили. 368 бет. Баҳоси 1 сўм 10 тийин.

Рус тилида чоп этилган бу қўлланма педагогика олий ўқув юртлари миллий группалари факультетларининг талабаларига мўлжалланган.

А. Исроилов. Физикадан уй экспериментал ишлари. 160 бет. Баҳоси 25 тийин.

Қўлланмада элементар физика курси ҳажмида уйдаги баъзи бир жиҳозлар ҳамда қўлда ясалган ёки йиғилган қурилмалардан фойдаланган ҳолда бажарилиши мумкин бўлган эксперимент ишларнинг тавсифлари баён қилинади.

Б. Аҳмедов. Физикани химия билан боғлаб ўрганиш. 76 бет. Баҳоси 10 тийин.

Қўлланмада мактабда физика фанини ўқитиш жараёнида айрим химиявий тушунчалардан фойдаланиш методлари кўрсатилган.

Авторлар коллективи. Меҳнат — энг яхши тарбиячи. 240 бет. Баҳоси 70 тийин.

Бола ёшлигидан бошлаб ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш кувончини ҳис этиши учун унга қандай ёрдам бериш керак? Бунда амалга оширилаётган мактаб ислоҳоти қандай имкониятлар очиб бермоқда? Мазкур бадиий-публицистик тўплам муаллифлари ана шу масалалар хусусида фикр юритадилар.

К. Ҳошимов. Куни узайтирилган мактаб ва мактаб-интернатлар ишининг педагогик асослари. 240 бет. Баҳоси 80 тийин.

Қўлланма куни узайтирилган мактаб ва мактаб интернатлар фаолиятига бағишланган. Унда ўқувчиларнинг бўш вақти, уни ташкил этиш, бу муассасаларнинг ота-оналар ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги формалари баён қилинган.

Французча-ўзбекча луғат. 300 бет. Баҳоси 1 сўм 40 тийин.

Луғатдан фақат олий ўқув юртлари талабаларигина эмас, балки ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари, ўқитувчилар, аспирантлар ва француз тилини ўрганишга қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

УКРАИНА ВРАЧЛАРИНИНГ ЁРДАМИ

Муттасил ўпка касалликларининг олдини олиш, уни аниқлаш ва даволашнинг долзарб проблемалари юзасидан ташкил этилган курс Андижон фтизиаторлари ва пульманологлари учун илғор тажриба мактаби бўлиб қолди. Курсни Киев врачлар малакасини ошириш институти олимлари ташкил этишди. Институтнинг етакчи мутахассислари бир ой давомида областдаги даволаш-профилактика муассасаларида машғулотлар олиб боришди, ўз ҳамкасбларига ўпка касалликларини аниқлаш юзасидан маслаҳатлар беришди, олтита намунали операция ўтказишди.

Бу курслар Андижон ва Киев медиклари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартноманинг амалга оширилган дастлабки банди бўлди. Шартномада ўпка касалликларига қарши курашда икки республика соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамкорлигини янада ривожлантириш назарда тутилган. Шартномага биноан етакчи украин олимларининг Андижон областига тез-тез келиб туриши режалаштирилган. Улар Ўзбекистон врачларига амалий ёрдам берадилар ва уларнинг назарий тайёргарлигига кўмаклашадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

• *Ажаб савдолар*

Хўжасизлик оқибати

Яқинда республика Ўрмон хўжалиги министрлигида ғалати бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим.

— Ўша ўрмон, ўша тоғ, аммо планлар нега бажарилмайди? — дерди қизишиб суҳбатдошлардан бири.

— Сабаблари кўп, ошна, — деди куюниб иккинчиси, — қайси бирини айтай...

Министрлик фаолияти билан яқиндан танишганимизда ана шу сабаблардан баъзилари бизга ҳам аён бўлди. Ҳар бир областнинг ўз ўрмон хўжалиги бирлашмаси бор. Бироқ уларнинг ҳаммасида ҳам бир хил иллат: камроқ меҳнат сарфлаб, бошқача айтганда бел оғритмай, жон куйдирмай табиатдан кўпроқ ноз-неъматлар олинса... Бунинг устига тадбиркорлик, ишбилармонлик, энг яхши тажрибаларни қўлланиш ҳам ўрмончиларга етти ёт бегона бўлиб қолган. Бўлмаса Бекобод ва Тошкент ўрмон хўжалигида ҳамма имкониятлар бўла туриб чорвачилик, бошқа ўрмон хўжаликларида эса қўёнчилик таг-туги билан тугатиб юборилармиди. Ўрмончилар хатто шунгача бориб етишдики, бу ерда кейинги уч йилда мавжуд 7,4 мингта асалари уяси 4,9 мингтага тушириб қўйилди. Мана, оқибат: асал етиштириш плани ўтган йили 78 процентга, бу йил эса тўққиз ойда 50 процентга етар-етмас бўлиб қолди. Ҳатто мева ва узум тайёрлаш топшириқлари ҳам барбод бўлди. Тўрт тонна ўрнига 240 килограмм бодом тайёрланганини бирлашма раҳбарлари изоҳлай олмай хижолат. Бекобод ўрмон хўжалиги директори Мирраҳимов бўлса ҳар гектар ердан планда белгиланган 200 центнер ўрнига 46 центнердан қовун ва тарвуз топшириб, бу ёғига маъзур тутасиз, деб қуллуқ қилиб турибди.

Қашқадарё ва Сурхондарё областлари ўрмон хўжалиги бирлашмаларида ҳам худди ана шундай воқеалар. Бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоботлари чалкаш. Тайёр маҳсулотларни яшириш авжида. Боботоғ ўрмон хўжалигида 88 гектар кўчатзор ташландиқ ҳолга тушиб қолгани боиси ҳам ана шунда.

Республика Халқ контроли комитети Ўрмон хўжалиги министрлигидаги аҳволни муҳокама қилиб, бунинг асосий сабаби хўжасизлик, ўзибўларчилик деб жуда тўғри топди.

Бошлиқнинг креслоси

Бўлинма бошлиғи одатдагидай хонасига кириб, креслога ўтирмоқчи бўлди... Қайси кўз билан кўрисинки, ҳар куни бемалол ястаниб ўтирадиган ўша чиройликкина, юмшоқ креслоси ўрнида оддий курси турарди. Кимнинг ҳадди сиғиб олдийкин-а уни? Хўжалик ишлари мудири, кейин унинг ёнига идоранинг бошқа катта-кичик ходимлари қўшилиб, бўлинмадаги ҳамма хоналарни тит-пит қилиб чиқишди. Аммо бошлиқнинг креслоси ерга кирдими, осмонга учдими ҳеч қаерда йўқ эди. Бошлиқ ўтириб ишлаб турсин, деб унга алақаердан момиқдайгина, яп-янги кресло олиб келиб беришса ҳам кўнмади, «ўзимникини топасанлар» деб туриб олди. Кимлар югурган, кимлар хуноб. Ҳатто бошлиққа «фалон станциядаги фалон номерли вагоннинг қулфини бузиб эллик икки қоп унни ўмариб кетишибди», деб хабар берсалар ҳам, ҳеч қандай гап қулоғига кирмади. Хуллас бутун кун йўқолган креслони қидириш билан ўтди. Бу-ку оддий кресло экан, Ўрта Осиё темир йўли станцияларида ундан катта нарсалар ҳам йўқолиб кетяпти. Масалан, шу йилнинг ўтган ойларида Фарғона бўлинмаси станцияларида вагонларнинг эшиклари бузилиб, катта-катта ўғирликлар содир бўлди. Давлатга 4,4 минг сўм зарар етказилди. Қўқон шаҳар станциясида халқ хўжалиги юкларини ўғирлаш бўйича 93 та воқеа рўйхатга олинди. Шу йилнинг 11 майида уч киши Асака станциясида вагон эшигини бемалол очиб 52 қоп унни ташиб кетишди.

Энди Ўрта Осиё темир йўлининг Бухоро бўлинмасида рўй бераётган антиқа воқеалар ҳақида эшитинг. Бухоро — 1 станцияси инженери Н. В. Лашкевич жами 1000 сўмлик электрон ҳисоблаш машинаси деталларини кўтариб кетибди. Вагон депосининг слесари Раҳматов, разъезд бўйича навбатчи Кучеров, разъезд бошлиғи Серикбоев асосий ишдан бўш пайтларида вагон эшикларини очиб қўлларига нима илинса — қандми, цементми, буғдойми, ташиб кетаверишни одат қилиб олишибди.

Ўғирлик ва ташмачилик Тошкент бўлинмаси ходимларига ҳам юққан оғир касаллик бўлиб қолди. Утган йили йўл ходимларидан 95 киши темир йўлда юкларни ўғирлаётганида ушланган эди. Бу йил эса 36 марта ана шундай воқеалар содир бўлди.

Энди бояги бошлиқнинг креслоси ҳақида. Бу кресло йўқолдими, йўқми, буниси бизга қоронғи, аммо Ўрта Осиё темир йўли станцияларида ўғирлик, камомад, юкларнинг бузилиши ва йўқотилиши сабаблари ўтган йили давлатга 1394 минг сўмлик, шу йилнинг биринчи ярмида эса 467, 4 минг сўмлик зарар етказилганлиги аниқ.

Р. ҚОДИРОВ.

• *Спорт*

ГИМНАСТИКА:

КУЧЛИЛАР САФИДА

Венгриянинг «Уороли джимнастикис» журнали мухбирлари шу йилнинг энг кучли гимнастикачилари рўйхатини эълон қилишга эришдилар. Бу рўйхатнинг бошида совет спортчиси — Сеул олимпиадасининг тўртта олтин медали совриндори Владимир Артемов ўрин олди. Шунингдек, совет гимнастикачиларидан Дмитрий Белозерчев билан Валерий Лукинлар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Бадиий гимнастика бўйича болгариялик Андреане Дунлавска пешқадамлик қилмоқда. Совет олимпиадачилари Марина Лобач билан Александр Тимошенко иккинчи ва учинчи ўринларни олишди.

САМБО:

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

Монреалда ўтказилган жаҳон чемпионатида совет спортчилари муваффақиятли беллашдилар, Самбочиларимиздан ўн нафари вазнларига кўра ғолиблик супасига кўтарилиб, олтин медалли бўлишди. Совет командаси муваффақиятига Д. Мамедов, Г. Тутхалин, А. Новиков, Г. Казарян, Е. Есин, В. Швая, Г. Хадбулаев, Т. Абдуллаев, Б. Гурин, ва В. Шкаловлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Редактор У. УСМОНОВ.

• *Тингланг, томоша қилинг*

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.00 — Нега ва нима учун. 9.30 — Чаҳмалар. 10.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 10.30 — Концерт. 11.30 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 12.00 — «Тюльпан» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 12.40 — Дунё воқеалари. 13.00 — Мўъжизасизмўъжизалар. 14.00 — Аслини олганда. 15.15 — Социализм мамлакатларида. 15.45 — Санъат усталарининг концерти. 18.15 — Халқаро панорама. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — «Момо ер». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.10 — Қайта қуриш прожектори. 20.20 — А. С. Пушкин ёзиб қолдирган халқ қўшиқлари. 23.15 — Нигоҳ. 00.45 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Студия таништиради... 9.30 — Телевизион театр абонементи. 11.45 — Здоровье. 12.35 — Ҳайвонот оламида. 13.35 — Новаторлар ва консерваторлар. 14.25 — Педагогика ҳамма учун. 14.40 — Инсон институти. 15.40 — Олам кинокамера кўзгусида. 17.10 — Ҳужжатли фильм. 17.20 — Ҳалокат сабаблари. 18.10 — Мультфильм. 18.50 — «Буюк эртакчининг сири». Бадиий фильм. 20.05 — Ҳужжатли фильмлар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Реклама. 20.50 — Фестивалга бир нигоҳ. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ғалати аёл». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар. Танаффусда — Янгиликлар.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Шанба экрани. 11.00 — Ёшлик. 11.30 — «Қора ёй». Бадиий фильм. 12.55 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 13.40 — Рассом ва китоб. 14.15 — Ҳужжатли экран. 15.00 — Спорт программаси. 18.00 — «Ровесник» 18.45 — Мультипанорама. 19.30 Илмий-оммабоп фильм. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қўшиқ қалб изҳори. 21.30 — Время. 22.10 — Қайта қуриш прожектори. 22.20 — Мақсуд Шайхзода туғилган кунининг 80 йиллигига. «Жалолиддин Мангуберди». Видеофильм. 1-серия.

УзТВ-II. Душанба, 18.10 — Мен яшаётган олам. 18.45 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 19.00 — Новости. 19.20 — «Левашитч жасорати». Теленовелла. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Музикали программа. 21.00 — Ранда. 21.30 — Время. 22.10 — Қайта қуриш прожектори. 22.20 — Чойхони мушфиқий.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Ялла вокал чолғу ансамбли иҳро этади. 9.30 — Ёшлик. 10.15 — Дугоналар. 11.30 — Ёшлик. 12.10 — Строител Узбекистана. 12.40 — М. Йўлчиева ва М. Тожибоев куйлайди. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшттириш. 15.30 — Қувноқ танаффус. 16.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 17.00 — Дилкаш оҳангларга ошно умр. 18.15 — Бугун — Инсон ҳуқуқлари куни. 18.30 — Санъатим — саодатим. 19.20 — Ёшлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — Шанба оқшомида. 22.45 — СССР халқ артисти Ҳ. Носирова куйлайди. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р. — 11174. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 284. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12